# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 2-dekabr • №49 (4136)


## ОНАЛИК — УЛУҒ МАРТАБА



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Аёл, она бу дунёнинг куюнчак, жонсарак хилқатларидан бири. Аёл ҳамиша ҳаёт, ҳаракат марказида яшайди. Ҳамма тун уйқусига чўмганида энг гўзал орзуларини оҳангга солиб бешик бошида алла айтаётган у. Тандирининг алангаи оташи шафақ шуълаларига туташиб нон ёпаётган, игна-ипи изларидан матоларни гуллатиб юборадиган у. Ҳеч бўлмаганда, аёлни хизматга жўнаётган турмуш ўртоғининг костюми ёқасига илашган бир тола ипни бармоқлари учида олиб ташлаётган меҳрли, севимли бир қиёфада тасаввур этамиз.



Ватан истиқлоли опа-сингилларимизнинг фаолият майдонларини яна ҳам кенгайтириб юборди. Улар энди катта ишлар бошидаги ишбилармон, тадбиркор. Минг бир ришталар орқали жамиятнинг қувонч ва ташвишларига боғланган, эл юкига елка тутган юрт хизматчиси. Шундай экан, аёлга кўрсатилаётган эътибор ёлғиз унинг ўзига эмас, фарзандларига, оиласига, қолаверса, бутун миллатга кўрсатилаётган эҳтиромдир.

Муносабат

“Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум иштирокчилари томонидан бу фикр ҳақли равишда бир неча бор эътироф этилди.

Ўзгариш, янгиланишлар ташқаридан қараганда кўзга яққол сезилади. Уларнинг ичида яшасанг, кўп ҳам пайқамайсан. Одатда, шундай гаплар давраларда тез-тез такрорланади. Лекин Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён юз бераётган, айниқса, тиббиётда, она ва бола муҳофазаси юзасидан бўлаётган янгиланишларни пайқамасликнинг, шундайгина назардан ўтказиб юборишнинг иложи йўқ.

Президентимиз халқаро анжуманда фахр билан тилга олган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктларини олайлик. Мустақилликдан аввалги қишлоқ амбулаториялари шундоққина кўз ўнгимизда турибди. Бемор қабул қилишга мутлақо мослашмаган, ёзда дим, қишда совуқ, нари борса иккита хона, битта ўрта маълумотли фелдшер. Бизнинг қишлоқдошлар ҳатто: “Рўзим фелдшер қандай касал билан борсанг ҳам, фақат пенциллиндан укол қилади. Шунинг учун уйингда шприцинг бўлса, олдига бориб юрмасдан уколингни олавер”, дея ҳазил-ҳузул қилишарди.

Кейинги йилларда хизмат тақозоси билан жуда кўплаб қишлоқлардаги врачлар ишлайдиган манзилларда бўлдик. Улардаги энг замонавий жиҳозларга, малакали шифокорлар ишига қараб, ҚВПларни бемалол кичик шифохона, кичик маслаҳатхона деб айтиш мумкин. Айниқса, ҳар бирида олий маълумотли аёллар шифокори, болалар шифокорларининг фаолият олиб бораётгани саломатлик борасидаги қатор муаммоларнинг ижобий ечим топишига сабаб бўлаётгани аён.

Давоми иккинчи саҳифада.

## САНЪАТ ДАРГОҲИ — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

**Наманган ва Фарғонада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ушбу вилоятлар ҳокимликларининг қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.**

Маданият ва спорт соҳаси раҳбарлари, ташкилотчи ва устоз-мураббийлар иштирокида ўтган мазкур йиғилишлар маданият муассасалари, спорт иншоотлари ҳамда ўқув масканларининг моддий-техник ҳолати ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, фаолияти савиясини ошириш масалаларига бағишланди.

«Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси раҳбари Омонулла Ризаев мазкур йиғилишларда бу борада вилоятлардаги аҳволни ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан аниқланган маълумотлар хусусида ахборот берди. Президентимиз қарори асосида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, атрофлари ободонлаштирилган Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жиҳатдан самарали фаолият олиб бораётган жамоалардан ҳисобланади. Театрда турли жанрларга мансуб тарихий, миллий ва замонавий мавзудаги, шунингдек, жаҳон классикасининг энг сара асарлари муттасил саҳналаштириб келинмоқда. Ижодий жамоа мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Сени куйлаймиз замондош” шиори остидаги республика танловида энг юқори ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Ишчи гуруҳ раҳбари моддий-техник аҳволини яхшилаш эҳтиёжи бўлган айрим маданият муассасаларидаги вазият ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Расулжон Низомбоев ҳамда туманларнинг шу соҳа раҳбарлари билан бўлган очиқ мулоқотда қишлоқ маданият уйлари ишини ташкил этишга доир энг яхши тажрибаларни оммалаштириш ва муайян камчиликларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов муҳокама этилаётган масалалар юзасидан кўпгина амалий таклиф ва тавсияларини билдирди. Йил охирига қадар оммавий ҳашарлар ўтказиш йўли билан қишлоқ маданият тармоқларини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Ҳоким келаётган йилнинг биринчи чорагини маданият чораги, деб эълон қилишни таклиф этди. Бу даврда мамлакатнинг таниқли санъаткорлари иштирокида энг чекка қишлоқларда ҳам маданий тадбирлар ўтказиш режалари ишлаб чиқилди. Наманган шаҳридаги олимпия заҳиралари спорт коллежини ётоқхона ва ошхона бинолари билан таъминлаш, вилоят театрининг иситиш қозонхонасини тез ишга тушириш юзасидан ҳам амалий тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев маданият муассасалари, спорт иншоотлари ва ўқув масканлари раҳбарлари зиммасидаги энг муҳим вазифалар ҳақида сўзлади. Қишлоқ маданият уйлари аҳволини яхшилашга доир вазифалар интилувчан, ташаббускор, фидойи кишиларнинг жонкуярлигини тақозо этади, деди. Бу ўринда хайрли ташаббусларга туртки бериш зарур. Негаки, асл маданият сарчашмалари, истеъдодлар улғаядиган дастлабки муҳит қишлоқлар бағрида шаклланади. Санъатимизнинг энг машҳур юлдузлари ҳам шаҳар ва қишлоқлардаги ҳаваскорлик тўгаракларида илк истеъдодларини намоён этишган, ўсиб-улғайишган.

Давоми иккинчи саҳифада.

*8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

## АДОЛАТ КИТОБИ

Шеърий лаҳза

**Бармоқларим шамол сочини эшар,**
**Тилим сўз баҳрида кемадир гўё.**
**Менинг иқболимга кўксини тутган,**
**Шундай бир Ватан бор бағрингда, Дунё!**

**Мангу йўлдош эрур бу элга қуёш,**
**Толейи тоғлардан олгандир нишон.**
**Бунда баркамолдир ҳар бир кекса, ёш,**
**Ҳар бирин кўксида порлар шараф-шон.**

**Шу азиз диёрнинг бир китоби бор,**
**Бул китоб муҳридир эркнинг, орзунинг.**
**Бул қомус тарҳида зўр хитоби бор**
**“Темур тузуклари” берган улгунинг.**

**Улуғ боболарнинг босган изидан**
**Миноралар каби юксалган бу сўз.**
**Ўзлик байроғининг порлоқ туғида**
**Менинг ҳаққим каби ҳалолдир бу сўз.**

**Бу китоб шарафи дилимда пойдор,**
**Юрак ҳар сўзини айлар қироат.**
**Юртнинг ҳар буржида бу тирик китоб,**
**Олий сўз айтади: тенглик, адолат!**

**Ватан! Гул бағрингда яшнайман озод,**
**Абадий шу чаман, юрт ўзимники.**
**Менинг ҳақ-ҳуқуқим, имоним, орим,**
**Тилдаги шу калом, эрк ўзимники.**
**Бу китоб шарафи дилимда пойдор.**

**Дилрабо НОРҚУЛОВА**

## БОШ ҚОМУС ИЛҲОМЛАРИ

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, туман ва қишлоқларида Конституциямизга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар бўлиб ўтмоқда. Миллат озодлигини, Ватан мустақиллигини, халқимиз ҳақ-ҳуқуқи ҳамда фаровон ҳаётини таъминлайдиган Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида жойларда ўтказилаётган мулоқотлар, билдирилаётган фикрлар юртдошларимиз қалбларидаги обод Ватанга эҳтиром, мустақилликка шукроналик, келажакка ишонч туйғуларини янада барқарор этаётир. Бундай учрашувлар ёзувчиларнинг келгусида яратилажак янги асарлари учун илҳом манбаи бўлмоқда. Зеро, Конституция ижод аҳлига сўз эркинлиги ҳуқуқини берди, миллий адабиётимизда ижод эркинлигини таъминлади. Бунинг самараси ҳозирги адабий жараёнда яққол кўриниб турибди.

Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида ёзувчи вазифаси ва ижод масъулиятига шундай таъриф берилган: “Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз”.

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган Адабиёт кунларида ҳам ушбу фикрлар яна бир бор таъкидланди. Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ ижодкорлар вилоятдаги бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишдилар, ўзларининг битилажак янги асарлари қаҳрамонлари — фаол ва фидойи замондошларимиз билан учрашдилар.

Адабий учрашувлар

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлаган жиззахликлар Конституциямиз қабул қилинган кунни ҳам алоҳида тайёргарлик билан кутиб олмоқда. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил натижаларига кўра вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат маҳсулотлари сезиларли даражада ошди. Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган янги корхоналар, истиқболли ва жадал ривожланаётган заводлар сони ортди. Ана шундай корхоналардан бири “Жиззах аккумлятор заводи” очиқ акциядорлик жамиятидир. Марказий Осиёда аккумлятор батареялар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган завод цехларига ўрнатилган технология АҚШ, Германия, Италия, Мексика, Дания давлатларидаги энг илғор компанияларга мансубдир.

Мустақиллик йилларида 79 та касб-ҳунар коллежи, академик лицей, 588 та мактаб янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Бундай билим масканларида ёшларнинг таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари, мусиқа ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Вилоятда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта ва ғалла билан биргаликда полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳам кўпайди. 1200 гектар янги боғлар барпо этилиб, шу йилнинг кўкламида уларга 12 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилди.

Жиззах вилоятидаги ибратли ишлардан яна бири “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ҳаракатнинг йўлга қўйилганидир. Томорқалардан унумли фойдаланиб, экин парваришлаш, боғ-роғ қилиш ва чорва моллари боқиш учун амалий ёрдам бериш мазкур ҳаракатнинг бош дастури ҳисобланади. Хуллас, барча хонадонларда мавжуд имкониятлар ишга солиниб, инсон манфаатларига хизмат қилдириш бош мақсадга айланган.

Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳророва, Фориш тумани ҳокими Пўлат Махатов ижодкорларга ана шу ишлар хусусида сўзлаб беришди. Маънавият, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам вилоятда қўлга киритилаётган ютуқлар оз эмас. Зотан, қадимий ва навқирон Жиззах замини халқимизнинг қанчадан-қанча истеъдодли шоирларига бешик бўлган. Шоир Саъдулла Ҳаким ҳам Жиззахнинг ана шундай истеъдодли фарзандларидан. Шоирнинг турли йилларда нашр қилинган “Ҳамал тонглари”, “Сен кутган баҳор”, “Ёз оқшоми”, “Она сўз”, “Кўнгил юзи”, “Сайланма” шеърий тўпламлари ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланган. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида Саъдулла Ҳакимнинг “Кўҳна нақл” номли янги шеърлар тўплами нашр этилди.

Тадбир мобайнида Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри ва Фориш туманидаги Гараша иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида шоирнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, таниқли журналистлар Сайди Умиров, Шуҳрат Жабборов, адабиётшунос олим Субон Мелиев ва бошқа ижодкорлар Саъдулла Ҳаким шеъриятининг ўзига хос фалсафаси ва бадиий жиҳатлари ҳақида сўзладилар. Шоирнинг теран ҳаётий мазмун ва оҳорли ташбеҳларга бой шеърларини таҳлил қилдилар. Ижодий кечада жиззахлик хонандалар ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Холхўжаев Саъдулла Ҳаким шеърларига басталанган қўшиқларни ижро этишди.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**

## БИЗ — БУНЁДКОР ХАЛҚМИЗ



Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган “Биз — бунёдкор халқмиз!” мавзуидаги энг яхши фотоасарлар танловининг якунига бағишланган кўргазма очилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари акс этган ранг-баранг суратлар намойиш этилди. Мазкур кўргазма замонавий фото санъатининг энг сўнгги муваффақиятларини ўзида мужассам этгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Истиқлол йилларида юртимизнинг энг чекка шаҳару қишлоқлари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўркам қиёфа касб этди. Тарихий-меъморий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги замонавий иншоотлар, таълим-тарбия, маданият ва маърифат, санъат, спорт, соғлиқни сақлаш масканлари бунёд этилди. Шинам уй-жойлар, кўча ва хиёбонлар, майдонлар, боғлар, кенг ва равон йўллар, муҳташам кўприклар мамлакатимиз қиёфасига чирой бахш этмоқда. Экспозициядан ўрин олган фотосуратларда ана шу улкан ўзгаришлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ватандошларимизнинг шижоатли меҳнатлари ўз ифодасини топган.

Фототанловда ўнлаб ижодкорлар энг сара асарлари билан иштирок этди. Уларнинг барча ижодий ишлари йил давомида мамлакатимизнинг етакчи нашрларида эълон қилиб борилди. Танлов натижаларига кўра ғолиблар диплом ва совринлар билан мукофотланди.

**Ўз ахборотимиз**

## ЁШ ОПЕРА ХОНАНДАЛАРИ ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон давлат консерваториясида Назира Аҳмедова номидаги IV республика хонандалар танлови якунланди.**

Мумтоз санъат турлари орасида опера ижрочилиги алоҳида ўринга эга. Юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш, ўзбек хонандаларини дунё саҳналарига олиб чиқиш борасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улар орасида Назира Аҳмедова номидаги республика хонандалар танловининг ўзига хос ўрни бор. 2002 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу тадбир истеъдодли опера ижрочиларини кашф этиш, уларнинг профессионал саҳнага қадам қўйишлари учун кўмак бермоқда.

Йилдан-йилга танловнинг нуфузи ва кўлами ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Эътиборли жиҳати шундаки, бу йилги беллашувда хориждан ташриф буюрган ижодкорлар ҳам иштирок этишди. Аввалари танлов фақат аёл хонандалар ўртасида ўтказилган бўлса, эндиликда эркак хонандалар ҳам ўз кучларини синаб кўришди.

— Опера ижрочилиги азалдан мусиқа санъатининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб келган, — дейди тадбир раҳбари Ҳабибулла Раҳимов. — Яхши опера хонандаси бўлиш учун жарангдор ва баланд овознинг ўзи етарли эмас. Опера спектаклларида арияларни ижро этиш учун кенг овоз диапозонидан ташқари овоз техникасини мукаммал ўзлаштириш, катта саҳнавий тажриба ҳам талаб қилинади. Консерваторияда ўтказилган мазкур танлов ижод оламига энди кириб келаётган ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Айнан шу ерда улар ўз ижроларини чархлаб, катта саҳна учун зарур билим ва кўникмаларни эгаллашлари мумкин. Қувонарли жиҳати, олдинги беллашувларда ғолиб бўлган аксарият ёшлар катта ижодий ютуқларни қўлга киритиб, юзимизни ёруғ қилишмоқда. Жумладан Абдумалик Абдуқаюмов, Саида Мамадалиева, Малика Норматова каби танлов ғолиблари халқаро фестивалларда юқори ўринларга сазовор бўлиб, ўзбек опера мактабининг довруғини дунёга танитди.

Беш кун давомида опера мухлислари Гендель, Моцарт, Верди, Чайковский каби буюк композиторларнинг асарларидан баҳра олиш имконига эга бўлишди. Шунингдек, беллашувда ўзбек бастакорларининг ижод намуналари ҳам янгради. Уч босқичда ўтказилган танлов якунларига кўра, Дилдора Мирсодиқова, Рустам Алимардонов, Уляна Симёнова биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринга Гулмира Нурметова, Носир Юсупов, Умид Исроилов, Марина Палекова, учинчи ўринга Дилдора Қурбонова, Наталя Сараева, Иқбол Раҳматов, Дамир Раҳмонов муносиб топилди. Танловнинг фаол иштирокчилари диплом ва совғалар билан тақдирланди.

**Нигина ЖЎРАБОЕВА**

## БИЛДИРИШ

**Шу йилнинг 7 декабр чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Онажоним — шеърият” тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.**

*Манзил:*
*“Ўзбекистон” кўчаси, 16 А уй, 6-қават.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

Бошланиши биринчи саҳифада.

# ОНАЛИК — УЛУҒ МАРТАБА

"Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йигирма йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди". Давлатимиз раҳбари тилга олган бу рақамларга оддий саноқлар деб қарамаймиз, албатта. Уларга минг-минглаб хонадонларда ёниб қолган ҳаёт чироқлари, умр чироқлари, деб қараймиз. Тириклик нафаси, куну тунларнинг муждаси, деб суюнамиз. Чунки бевақт заволга юз тутмай, омон асралган ҳар аёл, ҳар гўдак миллатнинг бойлиги. У буюк бир ихтирочи, буюк бир кашфиётчи бўлмай, улуғ ишларни амалга оширмай, соғ-омонгина, тинч меҳнат қилиб шу миллат саноғида яшаб ўтса ҳам, инсонлиги, инсонийлиги билан ўша саноққа бир тола нур бериб туради.

Бугун биз жаҳонга кўз-кўз қилаётганимиз она ва бола муҳофазасининг миллий моделини яратишнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати аслида жуда катта меҳнат ва салмоқли маблағ эвазига келмоқда. Биргина турмуш қураётган ёшларни никоҳдан олдин мажбурий кўрикдан ўтказиш тизимини олайлик. Тизим жорий қилинган дастлабки пайтларда қанчалар ғайритабиий кўринган эди бу ҳолат. Ўзимизнинг боламиз, соғ-касалига ўзимиз жавобгармиз. Фотиҳалаб қўйдик, энди ҳеч нарсани орқага қайтариб бўлмайди. Қандайдир касали чиқса, кўнглимиз ғашлангани қолади тарзидаги эътирозлар бўлган эди. Лекин бу кўрик фақат икки ёшнинг ўзи учунгина эмас, туғилажак фарзандлар саломатлиги, наслар тозалиги, оила мустаҳкамлиги учун зарурий пойдевор эканини тушунтириш учун шифокорлар уйма-уй юришди. Телевидение, газета, барча оммавий ахборот воситалари ёрдамга келди. Никоҳдан аввалги тиббий кўрик тарғиботи катта бир ҳаракатга айланди. Натижада бугун оналарнинг ўзлари фарзандларини тиббий кўрикка бошлаб келишяпти. Бу ҳаракат оилаларда тиббий маданиятнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Энг муҳими, Юртбошимиз нуфузли анжуманда таъкидлаганларидай, 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди. Албатта, бунда пойтахтимиздан бошлаб вилоятларимиз марказида ташкил этилган, ҳомиланинг ҳолатини она қорнидаёқ, бошланғич даврдаёқ аниқлаб берадиган "Она ва бола скрининг" марказларининг ҳам хизмати катта. Мажруҳ фарзанд ота-онанинг қувончига соя солади, қўли ишга, оғзи ошга бормайди. Бундай нохушликдан халос этишни давлат ўйласа, давлат ўз зиммасига олса, бу эзгуликка оддий бир саховат, оддий бир эътибор деб эмас, иноят, умр туҳфаси деб қараш тўғрироқдир.

Фақат шиор эмас, ҳаётимизнинг бош мақсадларидан бирига айланган "Соғлом она — соғлом бола — соғлом миллат" учун бўлаётган барча саъй-ҳаракатларнинг бирор босқичи, бирор тизими ўз-ўзидан бунёд бўлмайди.

Маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грандлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 барабар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.

Бу рақамларни кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, озода, ёруғ синфхоналарда компютерлар билан тиллашаётган соғлом, дуркун ўсмирлар сафи кўнглимиздан ўтади. Баланд бўйларига ҳарбий кийимлар ярашган алп ўғилларимизнинг қадамлари зарбини юрагимизда ҳис этамиз. Жаҳон шоҳсупаларида янграётган Ўзбекистон мадҳиясини қўлини кўксига қўйиб тинглаётган, ғолиблик нашидасидан қорачиқларида қувонч ёшлари ҳалқаланаётган спортчи йигит-қизларимиз хаёлимизда сувратланади. Сарфланган, сарфланаётган маблағларимиз ўзимизга, миллатимизга шаън, ғурур, соғлом ҳаёт тарзи бўлиб қайтаётганидан яна бир бор бўйимиз ўсади. Ҳаёт-да, ҳар хил гаплар эшитилади. Қазилма бойликларга кон юрт бўлсак, бойликларимиз қаерга кетяпти? Бундай гаплар кўпроқ ўз юртининг яхши кунига ярамай, чекка-чеккада пусиб юрганлардан чиқади. Тўғри, конларми, меҳнат элининг заҳматиданми келаётган бойлик эвазига аёлларни тақинчоқлар билан безатиш давлат учун унчалик қийин юмуш эмас. Лекин бу зар-заварлар ялт-юлти қаергача боради? Соғлом она, соғлом бола, соғлом миллат учун сарфланаётган бойлик эса фақат бугунимизни эмас, эртамизни ҳам зийнатлайди. Бир пайтлар ҳарбийга борган болаларимиз нимжон, ярқсиз топилиб, фақат қурилиш отрядларига қора ишларга олинар эди.

Бугун жаҳон ареналарида спортнинг энг кўп куч ва ақл талаб қиладиган турларидан бири бокс бўйича бир неча бор чемпионлик камарини белига боғлаган йигитларимиз меҳр, эътибор кўраётгани боис ўзбекнинг алплари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келишяпти.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар бардавомлиги шу йил 30 ноябр куни матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ҳам ўз тасдиғини топган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари қўлидан I даражали "Соғлом авлод учун" орденини қабул қилиб олган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хоним симпозиумда айтган қуйидаги сўзлари ёдимга тушади: "Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди".

Бу фахр бугун ҳар биримизнинг қалбимизни тўлқинлантирмоқда. Назарга тушишдан ҳам кўра яхши назарни асраш қийинроқ. Соғлом миллат бўлиб яшаш олий саодат бўлганидек, шу юксак мақсад учун курашиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурч ҳисобланади.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Куюнчак газетхондан мактуб

# ЮРАГИМ «ЖИЗЗ» ЭТМАДИ...

Буюк инглиз драматурги Вильям Шекспир таъбири билан айтганда, "Артистлар ҳамма даврларда замон жарчилари бўлган". Бу борада ҳеч кимда эътироз йўқ. Бироқ жар солишнинг ҳам ўз ўрни, макони борлигини унутмаслик лозим. Яқинда шаҳар ичида қатнайдиган автобусда кетаётиб ғалати бир ҳолга дуч келдим. Автобус бекатда тўхтаган пайт ўрта ёшлардаги бир йигит чиқиб келди. Бошида шляпа, қўлида эса гитара тутган. Тўрт мучали соппа-соғ йигит автобуснинг қоқ марказига туриб олди ва қандайдир эстрада гуруҳида фаолият юритишини айтиб, одамларга мурожаат қилди: "Азизлар, ағар менинг санъатим озгина бўлса ҳам юрагингизни "жизз" эттира олса, қўлингиздан келган ёрдамни аямайсизлар деган умиддаман". Сўнг қўлидаги гитарани чалиб, қўшиқ хиргойи қилишга тушди. Овози бинойидек, санъатига ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо бир жиҳат кўпчилик қатори кўнглимни ғаш қилди. Қўшиқ якунига етгач қаҳрамонимиз йўловчилардан пул ундиришга тушди. Баъзилар йигитнинг кўнглини ўкситмаслик учун, кимлардир эса уялганидан ҳам унга пул тутқазди. Бу битта автобусда, бир неча дақиқада юз берган ҳолат. Тасаввур қилинг, пойтахтимизда бир кеча-кундузда қанча-қанчадан автобуслар қатнайди? У шўринг қурғур "артист" яна қанча автобусга чиқиб, одамларнинг ҳаловатини бузгани Яратганнинг ўзига аён.

Тўғри, моддий манфаатдорлик тушунчаси кўпгина соҳалар қатори санъатда ҳам мавжуд. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ҳеч бир санъаткор куйлаган қўшиғи ёки яратган образи ҳавода муаллақ қолиб кетишини истамайди. Аксинча меҳнатига яраша тақдирланишни хоҳлайди.

Бугун шоу-бизнес оламида даромад орттиришнинг йўллари кўп. Концерт дастурлари уюштириш, тўйларга бориш, мусиқий альбомларини сотувга чиқариш ва ҳоказо. Бу орқали рўзғор тебратишга ҳеч ким қарши эмас. Бироқ айрим "ижодкорлар"нинг пул топиш илинжида санъат қадрини тушириб, бозордаги чайқовчи каби ўз иқтидорини сотишга ҳаракат қилаётгани ачинарли.

Тўғри, Европада ёки океан орти мамлакатларида бундай ҳолат учрайди. Масалан, жаҳонга машҳур опера юлдузи Андреа Бочиелли ёшлигида тунги ресторанларда қўшиқ айтиб тирикчилик қилган. Тунги ресторандаги хизматни барибир тушунса бўлади. Аммо машриқдаги ҳаёт фалсафаси мағрибдан бироз фарқ қилади. Бизда "оёқ-қўлинг бутун экан, ўз кунингни ўзинг кўр", "истеъдодингни кўчада пуллама" каби тушунчалар бор. Бу борада, айниқса, устоз санъаткорлардан ибрат олса арзийди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримовни танимайдиган мумтоз ашула мухлислари топилмаса керак. Шу кишининг ажойиб бир хислати бўлган. Айтайлик, у сал ночорроқ яшайдиган одамнинг тўйига хизматга борди. Ҳофиз тўйда яхшилаб хизмат қилиб, меҳнати эвазига бир тийин ҳам пул олмай, мендан сизга "тўёна" деб, хонадон эгасининг дуосини олиб кетаверар экан.

Яна шундай улуғ санъаткорлар борки, ҳаётлари моддий қийинчиликда ўтган бўлсада, ҳеч қачон тиланчилик остонасига яқин боришмаган. Ўзбек режиссурасига тамал тошини қўйган устоз санъаткорлардан бири Етим Бобожонов ота-онасидан эрта айрилиб, умрининг энг беғубор фаслини сарсон-саргардонликда ўтказган. У дунёга келганида, ота-онаси не орзу-умидлар билан Фозил деб исм қўйишган экан. Аммо ҳар қандай юмушни бажаришга тайёр бу болани Эски шаҳар кўчаларида Етим деб аташ одат тусига кириб қолган. Шунга қарамай Етим Бобожонов барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, ҳалол меҳнати эвазига саҳна сардори мақомига эришди. Санъаткорнинг оғир ва машаққатли ҳаёти бугун турли важларни рўкач қилиб, санъатини пуллашга иштиёқмандларга ибрат бўлиши зарур.

**Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,**
**Санъат институти талабаси**

Бошланиши биринчи саҳифада.

# САНЪАТ ДАРГОҲИ — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Фарғонада бўлиб ўтган қўшма йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Мавлуда Хўжаева очди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри уч йил муқаддам Президент қарори асосида мукаммал таъмирланиб, вазирлик томонидан ажратилган маблағларга 160 миллион сўмлик янги овоз кучайтиргич ускуна ва жиҳозлар олиб ўрнатилган. Вилоят шаҳар ва туманлари, қишлоқ жойларидаги маданият муассасалари, спорт иншоотлари ҳамда ўқув масканлари моддий-техник аҳволини яхшилаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, кўплаб маданият тармоқларида ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолган. Хусусан, Фарғонадаги қўғирчоқ ва рус драма театрлари жамоалари ўз бинолари таъмирталаблиги боис вақтинча вилоят театри билан бир бинода фаолият олиб бормоқда. Вилоятдаги музейлар, кутубхоналар, спорт мактабларининг моддий-техник аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳукумат қарори асосида Фарғона шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилиши муносабати билан мавжуд муаммоларни ҳам бир йўла ҳал этиш режалари кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда вилоят мусиқали драма ва комедия театри реконструкцияси учун қўшимча равишда 475 миллион сўм маблағ ажратилди.

Қўшма йиғилишни бошқарган Маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев маданият ва санъат жабҳасидаги долзарб вазифаларга тўхталиб, театр ва санъат даргоҳлари, қишлоқ маданият уйларининг маърифат ва тарбия ўчоғи сифатидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз Бухоро шаҳридаги муҳташам янги театр биносида томошабинлар ва актёрлар учун яратилган қулайликлар билан танишар экан, санъат намояндалари билан мулоқотда театрни — тарбия маскани, деб атаганлари бежиз эмас, деди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларни турли мафкуравий таҳдид ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлаш, уларни тўғри йўлга бошлаш, қалбларида эзгулик, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтириш учун амалий тарбия омилларидан бири бўлган театрлар имкониятидан кенг фойдаланишга эҳтиёж катта.

Ғарбнинг "оммавий маданият" ниқобидаги сийқа санъати миллий маданиятимиз, анъаналаримиз, туйғуларимизга дахл қилаётган бир пайтда ёшларимизнинг онг ва тафаккурини тўғри шакллантириш учун маънавиятни мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончни оширадиган, ориятни кучайтирадиган замонавий қаҳрамонларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб иш кўришимиз лозим. Фарғона мамлакатимиздаги илк театрлар шаклланган, машҳур санъат усталари етишиб чиққан маданият бешикларидан бири. Шундай экан, болаларда саҳна санъати ҳақидаги илк тушунча ва тасаввурларни шакллантирувчи маскан сифатида қўғирчоқ театрлари муаммоларига эътиборсиз қараб бўлмайди. Айтайлик, Хоразм қўғирчоқ театри, гарчи у вилоят марказида жойлашмаган бўлса-да, бугун ўз асарлари билан дунё мамлакатларини айланиб юрибди. Фарғонада ҳам шундай имконият топиш, рус драма театрининг ижодий сафарларини эса пойтахт ва бошқа вилоятлар марказларида ташкил этиш мумкин.

Қўшма йиғилишда туман ва қишлоқ маданият уйларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, боқимандалик ва ўзи бўларчилик кайфиятига барҳам бериш, маданият ва спорт иншоотларини сертификациялашдан ўтказиш, таниқли санъат намояндаларининг концертлари ва хайрия тадбирларини ўтказиш орқали маданият муассасаларига яқиндан ёрдам бериш, уларнинг моддий-техник аҳволини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

# ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТ УЙЛАРИ

## истеъдодлар бешиги

### Маънавий иммунитет қандай шаклланади?

Қишлоқ маданияти деганда даставвал деразасидан майин оҳанглар эшитилиб турган, оқшомлари чироғи ёниқ даргоҳ кўз олдимизга келади. Шаҳар ва туманлар, қишлоқ жойларида қанчадан-қанча маданият уйлари фаолият олиб бормоқда. Азалий анъаналарни улуғлаб, ёшлар онгига халқона руҳият ва маънавий комиллик сабоғини сингдираётган бундай даргоҳлар миллий тафаккур ўчоқларидир. Улар бағрида улғайган истеъдодлар халқимизнинг руҳоний бойлиги.

Яқинда ойнаи жаҳон орқали юртимиз этнографик ансамблларининг Польшада ўтган халқаро санъат фестивалидаги иштирокига доир кўрсатувни томоша қилдим. Катта шаҳарлару энг чекка қўрғонларда ҳам миллий санъатимиз намояндалари аҳолининг барча қатламлари томонидан олқиш билан кутиб олингани, улар билан бўлган ҳар бир учрашув ва концерт дастурлари поляклар учун ниҳоятда ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлганига эътибор қаратдим. Бу нимани англатади? Ҳаммани бир қолипда фикрлаш ва завқ олишга даъват этаётган, миллий ўзига хосликлар илдизига болта ураётган, маънавий тафаккурга тазйиқ ўтказаётган глобаллашув замонида инсоният ўзини ночор ва ёлғиз ҳис этмаслиги мумкинми? Уни маънавий таназзулдан нима асраб қолади? Албатта, санъат ва маданият тимсолидаги миллий маънавиятгина одамизодни улуғ аждодлари яратган боқий меросдан баҳраманд этади, кучига куч қўшиб, руҳиятини бойитади.

Инсоният гарчи ўз "ўтмиши билан кулиб хайрлашса"-да, миллий санъат тимсолида у билан қайта учрашганда кўзига ёш олмаслиги мумкин эмас. Ғарбда, Европа мамлакатларида Муножот Йўлчиева ижросидаги мумтоз наволар, миллий этнографик ансамблларимиз санъати олқишу ҳаяжон билан кутиб олинаётгани замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассамдир. Инсоният қачонлардир ўзи бой берган маънавий мерос сарчашмаларини соғина бошлагани бежиз эмас. Қалби қуёшдан ҳарорат олган, самимияти тенгсиз Осиёнинг шарқона этика ва экзотикаси, миллий анъаналардаги ранг-баранглик, ўзига хос тафаккур тарзи умуминсонийлиги билан қимматли. Зеро, ҳар қандай теран миллий заминга эга бўлган санъат ва адабиёт умуминсоний моҳиятга эга.



Ғарбдаги кўпгина халқлар эндиликда миллий қиёфа, анъана ва миллий туйғуларидан тобора узоқлашиб бораётир. Уларни эҳтимол изғиринда гул ва япроқлари, меваларини тўккан, қип-яланғоч дарахтга менгзаш тўғрироқ бўлар. Мевазор боғни гулу япроқсиз, мевасиз қолдирган тўфон эндиликда ойнаи жаҳон, интернет, турли дисклар орқали миллий маънавиятини қалқон қилиб ўзлигини сақлаб қолган маданиятларга ҳам ўз изғиринини сочмоқда.

Миллатни, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тафаккури, ҳаёт тарзини бу тўфондан миллий маданиятгина асрай олади. Театр ва музейлар, маданият саройлари, ҳатто энг олис манзиллардаги қишлоқ клублари, халқ театрлари миллатнинг маънавий иммунитетини шакллантириб ва уни бойитиб келаётган ўзига хос сарчашма эканлиги шубҳасиз.

Шундай экан, бугун шаҳар ва қишлоқларимиз маданиятининг узвий қисми бўлган маданият уйларига бўлган эътиборимизни янада кучайтириш заруратидан кўз юма олмаймиз. Аёнки, мактаб ёки коллежда ҳар куни қўнғироқ садолари эшитилиб тургани каби қишлоқ маданият уйларининг ҳам ҳамиша эшиги очиқ ва чироғи ёниқ бўлишида ҳикмат кўп. Ана шунда ёшлар ўзини ҳар ёққа урмайди, кўлмак давралардан кўра маданият уйлари ва кутубхоналар, турфа тўгараклар машғулотини афзал кўради, спорт майдонларини обод этади. Ҳар бир ёш ўз қобилиятини синаб кўришга, рўёбга чиқаришга муваффақ бўлади. Зотан, истеъдод тарбияси маданият уйлари бағрида шаклланади.

Аслида ўғилдир ё қиздир табиатан истеъдодсиз туғилмайди, Яратган дунёга келаётган ҳар бир фарзандга ниманидир ато этади. Ана шу "нимадир" оила, мактаб, лицейу коллежларда бўй кўрсатиб, маданият уйлари, кутубхонаю спорт майдонларида замонавий мазмунга эга бўлиб, зарур йўналиш олади. Бошқача айтганда, маданият уйлари, спорт иншоотлари болалар ва ўсмирлардаги ибтидоий орзу-ҳавасининг профессионал касб-корга айланишида муайян кўприк. Шунга кўра, уларни истеъдодлар бешиги, деб атасак асло муболаға бўлмайди. Она бешикни меҳр билан тебратгани каби маданият уйлари ҳам соҳа фаоллари томонидан меҳр билан обод қилинмоғи, саъй-ҳаракат билан ташкил этилишида гап кўп. Бунда, албатта, кўп нарса уларга раҳбарлик қилаётган маданият фаолларининг профессионал савиясига боғлиқ.

Бир мисол. 1999 йили бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро фестивали олий мукофоти — Гран При ҳамда "Шарқ булбули" унвони соҳибаси, хушовоз хонанда Насиба Сатторова бир суҳбатимизда ўзининг қишлоқ маданият уйида олган сабоқлари ҳақида гапириб, илк устози Элмурод Боймуродов номини алоҳида эҳтиром билан тилга олганди. Дарҳақиқат, Шаҳрисабзда кўп йиллардан буён фаолият олиб бораётган халқ театри бу кўҳна шаҳарнинг илдизлари теран маънавий муҳитини жонлантириб турган ўзига хос боқий чашмадир. Истеъдоди мамлакат ва ундан ташқарида ҳам эътироф этилган кўп хонандаларимиз илк сабоқни шу даргоҳда олишган. Ана шу халқ театри раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродов халқ театри учун истеъдодли ёшларни қишлоқ маданият уйларидан ахтариши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам у қишлоқ маданият уйларига ёрдам кўрсатиб, улардаги тўгараклар қатнашчилари орасидан "йилт" этган истеъдодларни халқ театрига жалб этиб, устозлик қилиб, катта санъат даргоҳларимизга йўллаб келаётир.

Элмурод Боймуродов Санъат институтида таҳсил олган. Мана, қирқ йилдан буён халқ театрида режиссёр ва бадиий раҳбар сифатида фаолият олиб бормоқда. У истеъдодли ёшлар билан алоҳида шуғулланади. Уларнинг овоз имкониятларини теран идрок этган ҳолда, камолга етказиш учун жон куйдиради.

Шаҳар маданият саройи қошидаги мақомчилар гуруҳи, болалар фольклор-этнографик ҳамда ашула ва рақс ансамбллари, "Шаҳри Кеш", "Шодиёна", "Сарвиноз", "Қалдирғоч" ва бошқа ўнлаб ҳаваскорлик жамоаларининг машҳур бўлишида унинг ижодий меҳнати кўп сингган. Ҳалқимиз меҳрига сазовор бўлган кўпгина хонандалар ижро йўлларини эгаллашда Элмурод Боймуродовдан сабоқ олишган. Уларнинг пойтахт маданий муҳитда тобланишида халқ театрида олган сабоқлари пойдевор бўлган.

Бу таниқли ижрочиларнинг катта санъат сари илк қадамлари қишлоқ маданият уйларидан бошланганига жонли бир мисолдир. Бундай мисолларни мамлакатимизнинг барча туманларидан келтириш мумкин. Аммо, афсуски, хусусийлаштириш моҳиятини тўғри тушунишмаган айрим жойларда баъзи қишлоқ клублари ва маданият уйларининг бинолари кимларнингдир хусусий мулкига айланиб кетди. Шартнома қоидаларини назар-писанд қилмаган айрим хусусий мулк эгалари уларнинг фаолиятини ўзгартирмаслик бўйича шартларни бажаришмаган. Бундай жойларда, албатта, маданият фаолларининг имконияти чекланмаган, деб бўлмайди.

### Миллий санъат миллий тафаккурдан баҳра олади

Истиқлол йилларида шаҳарларимиз қиёфаси юз чандон ўзгариб кетганини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Замонавий коллеж ва мактаблар, спорт иншоотлари бугун шаҳар ва қишлоқларнинг бетакрор манзарасига айланиб қолган бўлса, барча қулайликлар мужассам бўлган янги қишлоқлар юртимиз жамолига узукнинг кўзидай ярашиб тушмоқда. Қишлоқларимиздаги маданият уйлари ҳам ана шу гўзал манзаралар ичида ўзига хос қиёфаси, шарт-шароитлари, маънавий-маданий муҳити билан маърифатимиз ойнасига айланиши зарур. Бунга эришмоқ учун маданият ходимларидан жонкуярлик, ўз соҳалари ривожи йўлида ташаббус кўрсатиб ишлаш, қишлоқ оқсоқоллари, моҳир тадбиркорларнинг биргаликдаги кучларини қишлоқ маданият уйларининг савиясини кўтаришга йўналтира олиш маҳорати ҳам талаб этилади.

Қишлоқ маданияти куй-қўшиғу рақслардангина иборат эмас. Биргина қишлоқ кутубхонасининг миллат маънавий камолотида бекиёс ўрни борлигини изоҳлаб ўтириш шарт эмас. Яқинда таниқли адибларимиздан бири таҳририятимизга Хоразм зироатчилари ҳақидаги очеркини олиб келди. Суҳбат асносида: "Уч ойдан бери газеталарингизни ўқий олмадим. Кўп нарса йўқотгандай бўлдим. Сабаби Хоразмдаги ижодий сафарим чоғида газетани матбуот дўконларидан ҳам, кутубхоналардан ҳам топа олмадим, деди. Ахийри вилоят кутубхонасига бориб, газета тахламлари билан танишмоқчи бўлдим. Афсуски, тахламнинг ўзи бор-у, аммо тўлиқ эмас, баъзи сонлари қаёққадир йўқолган, янгилари ҳали жойига қўйилмаган экан", деди. Куни кеча Наманган ва Фарғонада бўлиб ўтган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ушбу вилоятлар ҳокимликларининг қўшма йиғилишларида муҳокама этилган муаммолар ҳам бу борада атрофлича мушоҳада юритишга ундайди. Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосида Бобур боғи, Алишер Навоий номидаги вилоят театри реконструкция ишларидан сўнг ниҳоятда гўзаллашганини кўриб кўз қувонади. Бу ишлардан аввал театрга тушадиган томошабинлар сони баъзан йигирма кишига тушиб қолган бўлса, эндиликда театр мухлислари беш юз кишидан ҳам ошмоқда. Бунда, албатта, ижодий жамоада камол топаётган наманганлик ёш актёрлар маҳоратини, Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев шакллантирган режиссёрлик мактаби самараларини эътироф этмасдан бўлмайди.

"Камолот" ёшлар боғида эса ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ўн бешдан ортиқ тўгараклар ишламоқда. Мазкур боғ қурилишида 3,5 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилгани, собиқ маданият саройи мукаммал қайта қурилиб, ёшлар марказига айлантирилгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шу билан бирга вилоят ўлкани ўрганиш музейи ва кўзи ожизлар кутубхонаси, Учқўрғондаги марказий маданият уйи биноларини таъмирга муҳтожлигини ҳам айтишга тўғри келади. Шаҳардаги айрим клуб муассасалари кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида, 5-маданият уйи эса уй-жой биносининг ертўласида жойлашган. Норин туманидаги қишлоқ клубларини саҳна либослари, чолғу асбоблари, овоз кучайтиргич ва техник воситалар билан жиҳозлаш зарур. Чуст туманида эса ўз томоша залига эга бўлмаган ҳолда ижарада туриб, фаолият олиб бораётган клуб муассасалари йўқ эмас.

Фарғонада бўлиб ўтган қўшма йиғилишда Бағдод туманидаги ўнга яқин қишлоқ маданият уйларининг таъмирга муҳтожлиги, моддий-техник базаси ночорлиги, тўгарак машғулотлари ўтадиган хоналар жиҳозланмагани, мебеллари эскириб, чолғу ва овоз кучайтиргичлар етишмаслигига эътибор қаратилди. Бу манзара Риштон ва Ўзбекистон туманлари маданият уйларига ҳам хосдир. Маданият институти ва соҳадаги коллежларни ҳар йили минглаб профессионал мутахассислар битириб чиқмоқда. Шунга қарамай, баъзи маданият муассасаларида ҳанузгача бошқа касбларнинг эгалари фаолият олиб бораётгани мақсадга номувофиқ.

Президентимиз асарларида санъат ва маданият даргоҳларининг ўсиб келаётган янги авлод тарбиясидаги ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар билан миллий маданиятимизни бойитиш зарурлиги таъкидланган. Бу вазифа қишлоқ маданият уйлари учун ҳам бевосита тааллуқлидир. Зеро, қишлоқ маданият уйи миллий маданиятимиз сарчашмаси. Буюк санъат юлдузларининг илк қадамлари улардан бошланади.

Қишлоқ маданият уйлари муаммоларини ҳал этишда маҳаллалар фаолларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида маҳаллаларни ноёб тузилма, деб атаб, уларнинг янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашдаги ўрнига юксак баҳо берган. Маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтириш бевосита маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ экан, бу вазифаларни адо этишда қишлоқ маданият уйлари, кутубхона ва клублар ҳам маҳалла оқсоқоллари ва жонкуярларининг бевосита кўмакчиси бўлиши мумкин. Демоқчимизки, маҳалла фаоллари қишлоқ маданият уйларини обод қилиш, уларнинг иш савиясини кўтариш йўлида ҳам жонкуярлик қилишса, баъзи муаммоларни биргаликда ҳал этишдан ёрдамларини аяшмаса, бундан бутун жамиятимиз, маданиятимиз катта манфаат кўрган бўлур эди.

Зотан, ҳар қандай истеъдодни меҳр улғайтиради. Соҳа раҳбарлари маҳаллаларнинг фаоллари билан яқин ҳамкорликда касбларига меҳр қўйиб ишлашса, қишлоқ маданият уйлари ҳам бугуннинг маънавий эҳтиёжларига муносиб даргоҳларга айланиши шубҳасиз.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ,**
**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" мухбири**

Алишер Навоий — 570

# НАҚҚОШУ НАҚШУ НИГОР ҲИКМАТИ

«Бадоеъ ул-бидоя» девонининг ф (шин) ҳарфи билан тугалланадиган ғазаллар туркуми «Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош, Мукавванот вужудин вужудинг айлаб фош» матлаъли ҳамд билан бошланади. Буюк шоир қарийб барча ғазалларига кишини мавжудлик ҳикмати ва мавжудот сирлари ҳақида теран мушоҳадага чорлайдиган бир ёки иккита байт жойлаштирган бўлса, ҳамдларида бевосита тавҳид масалаларига илмий муносабат билдиради. Хусусан, шоир санъати бағоят камолга етган Наққош тимсоли орқали ботиний илмдан баҳраманд шеършунос билан муроқаба(қалбий алоқа)га киришади.

Шоир ғазални ботин илми — «яқийн»нинг энг қуйи даражасида, яъни идрок ва фаҳму фаросат билан яратгучи сифатларини англаш талабидаги толибга унинг васфини келтиришдан бошлайди.

Буюк Наққош комил санъат билан ўзининг борлиғини яратганлари борлиғи орқали аён этади. Бу ҳодисани Қуёш ва унинг зарралари борлиғи мисолида ҳам тушунтириш мумкин:

**Вужудинг айлади мавжуд улусниким, бўлмас**
**Вужуд заррағa мавжуд бўлмағунча қуёш.**

Аммо ушбу ягона борлиқ ҳикматини, Ибн Арабий илмий шарҳлаб берган ваҳдатул вужуд моҳиятини ақл билан идрок этмоқчи бўлган инсон қоронғуликда қолиб кетади, мақсадга ета олмайди. Мақсадга етмоқ учун заррага Қуёшнинг тафтидан бир миқдор юққан бўлмоғи лозим. Шоир ақлни кўзи кўр кўршапалакка қиёс этади. Уни шам нурини кўраётган ва тафтидан ҳузур топаётган парвонага тенглаштириб бўладими?

**Санга етишмаса, тонг йўқ, бу ақли зулмоний,**
**Ки меҳр шамъиға парвона бўлмади хуффош.**

Бу фикрларни баён этишдан шоирнинг мақсади – васфни тўхтатиб, тингловчисини тинглашдан ҳам тўхтатиб, қалбига нигоҳ солишга ундаш, унда баёндан пайдо бўлган ҳайрат, ҳайрат туфайли шўълалана бошлаган муҳаббат учқунларини топишдир. Яратгучи санъатидан ҳайроналик билан тўлган кўнгилни яратилмиш ўзига торта олмайди. Бу кўнгилнинг покланганидан нишона. У Наққош санъати қудратини ўзи учун кашф этди, бу санъат ҳикматини мушоҳада эта бошлади ва бунинг натижасида Наққошга бўлган муҳаббат, интилиш уни беқарор, муштоқ қилди. Унинг учун барча мавжудот санъат асари, у қайси санъат асарига боқмасин, унда фақат Наққошни идрок этадиган, Наққошга муштоқликдан азоб чекадиган бўлди. Буюк Наққош эса унга интилган кўнгил ўтини янада шўълалантирмоқ учун санъатини тинимсиз кўз-кўз этишдан тўхтамади:

**Қаю париғаки қилдинг юзин қуёш, бердинг**
**Кўнгул жунуни учун анбарин ҳилол ила қош.**

Шу тариқа, Навоий тингловчисини ботиний илмнинг «айнал-яқийн» даражасида кўришни истайди. Аммо маърифат – қалбнинг илм ва ишқ билан лиммо-лим бўлиши ошиқ учун севимлидан ўзга барча мавжудликнинг, ҳатто ўз борлиғининг ҳам йўқ бўлиб қолишига сабаб бўлади. У фано давлатига мушарраф бўлади. У моддий мавжудликка мутлақо беэътибор бўлиб, илм нури ва ишқ тафтига интилгани боис яратган марҳамати билан ўзи ҳам нурга айланади. Энди унинг учун Наққош нақшу нигоридан ҳайратланиш ҳам, бунинг моҳиятини ўйлаш машаққатлари ҳам йўқ бўлиб, бутун борлиғи (онгу идроки, ҳис-туйғулари, вужуд юки) билан парвона сингари ишқ оташида куйиб кул бўлади. Аммо руҳи самандар мисол шу оташ ичида тобланиб тураверади. Бу ошиқнинг аввалги «яқийн» илмлардан халос бўлиб, ҳақиқий илмга, ҳақ илмига етгани нишонасидир. Бу нишонани Навоий шундай таърифлайди:

**Йўлунгда ўлди Навойию бўлди туфроғ ҳам,**
**Ёпушса эрди бу кўй итлари аёғиға кош.**

Навоийнинг борлиғи наво(яхшилик, эзгулик)дан иборат эди, у Мутлақ Наво нурларига ғарқ бўлди. Тупроқдан қорилган жисми яна қайта тупроқ бўлди.

Кошки шу тупроқ маърифат кўчасида кезган вафо аҳлининг оёқларига ёпишса эди! Ҳақ ошиғи маърифий сафарида йўлда қолиб кетган жисми гардларини ҳам фақат маърифат аҳли оёғи остига тўшалишини раво кўради.

Девонда шу ғазалдан кейиноқ келган ғазал наът бўлиб, унда шоир беҳудликдан огоҳликка қайтади ва яратган нурининг мазҳари бўлмиш Комил инсонни васф этади. Бу ғазал ҳам «фош», «қуёш», «хуффош», «кош» каби қофиядош сўзлардан ташкил топган. Худди ҳамднинг узвий давоми сингари шоир бу ғазалида ҳам қуёш, унинг нурлари, ой ва юлдузлар сингари тимсоллар билан «қурб Қофига етган» инсонни солиштиради. Шоир тарозунинг бир палласига тош сифатида Ойни қўяди, иккинчи паллага эса Қуёш қўйилади. Қуёш Комил инсон юзидан нурни олиб мунаввар бўлди, нур манбаига айланди, Ой эса тош бўлгани сабабли кудурат ичида, нурдан бебаҳра қолди. Ўша нур Қуёшда ҳануз мавжуд, Ойнинг тош сифатида қолгани эса ошкор бўлди:

**Қуёшқа нурки юқмиш, ҳануз эрур ул нур,**
**Ҳануз ой ичра ҳамул тош эрурки бўлмиш фош.**

Шоир пайғамбар(а.)ни улуғлаш учун қатор ўхшатишлар келтиради. Мерож кечасида пайғамбар (а.) атрофларидаги ойу юлдузлар тирилтириш мазҳари бўлмиш Исо (а.) атрофларини ўраб олган кўршапалакларга



қиёс этилади. Пайғамбар (а.) минган Буроқ изига фаришталар юзтубан йиқиладилар, бу худди ерда ширинлик талашган гадойларнинг ҳолига ўхшайди.

Наът мақтасида ундан аввал келган ҳамд мақтасига ғоятда ўхшаш бадиий лавҳа яратилади. Шоир ҳамд ниҳоясида ўзининг туфроқ бўлган жисмини содиқлар кўчаси итлари оёғи остига ташлаган бўлса, наът ниҳоясида Комил инсон итлари оёғига бош қўяди:

**Аёғиға чу малойик бошин қўя олмас,**
**Навойиё, қўякўр итлари аёғиға бош.**

Наътдан кейиноқ ўрин олган ғазал ҳам «фош», «тош», «бош», «наққош», «кош» каби сўзлар қофия қилиб ижод этилган. Бу ғазал Ер гўзали мадҳи билан бошланади:

**Ёзуқсиз, журмсиз бедод этар фош,**
**Манга ул сурмасиз кўз, вўсмасиз қош.**

Шундан сўнг бирин-кетин фавқулодда чиройли лавҳалар чизилади:

**Сиришким сели ҳар ён уйла сурди,**
**Ки топмон кўксума урмоқ учун тош.**

**Илигинг ўпгали очмиш оғизлар**
**Қиличингдин саросар захмлиқ бош.**

**Ҳамоно қолмас ўз ҳолида ранги,**
**Сизарда суратингни кўрса наққош...**

Бу — дунёвий ғазал. Аммо Нажмиддин Комилов таъкидлаганларидек, «Навоий тасвирида дунёвий ва илоҳий маънолар бирга, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келади. Бошқача айтганда, образлар мажозий (дунёвий), маънолар эса илоҳий».

Албатта, дунёвий гўзал Навоийнинг хос ошиғи учун ишқ мазҳари. Ишқдан мурод илоҳий файз топмоқлик. Шунинг учун у пири дайр(тариқат пири)дан шу файзга тезроқ етмоқ учун май сўрайди:

**Баҳодур нақди дин, эй дайр пири,**
**Карам қил майки, борбиз асру қаллош.**

Бу ўринда май — бутун борлиқдан ажралиб, маҳбуб ишқи лаззати билан қолмоқлик.

Эътибор қилинса, бир хил қофияларни истифода этиб, девонига кетма-кет жойлаштирган уч ғазалида шоир ишқнинг уч мартабасидан сўз юритади. Ҳамдда Мутлақ зот ваҳдати, фанофиллоҳ мақоми хусусида ҳол тилида сирлашади. Наътда Ҳақ таоло нурининг мазҳари бўлмиш Комил инсонни бошқа юзлаб «хослар хоси» – комил инсонлар тилида мадҳ этади. Чунки маърифатталаблар Комил инсонларга қараб «Аллоҳ буюклиги, жамол ва жалолини ҳис этадилар. Шундай зотларни яратган Аллоҳ уларга юз минглаб жонларни ошиқ қилиб қўйибди, токи камолот бир занжирдай давомли бўлсин, узилмасин, деб» (Н. Комилов).

Кейинги ошиқона ғазал орқали донишманд мутафаккир тавҳиднинг юксак ваҳдатул-вужуд мақомига ҳам, комиллик давлатига ҳам дунёвий ишқ — Ер гўзалига бўлган пок муҳаббат орқалигина етиш мумкинлигини таъкидлайди. Нақшбандий пир Хожа Аҳрори Вали (қ.с.) «Рисолаи ҳавроиййа»да келтирганларидек, «Дил биҳиштига табиат дўзахидан ўтмагунча етмайсан».

Авом ишқи, деб аталмиш ишқ Навоий шеъриятида камолот ва маърифат талабида бўлган йўлчининг пок ишқидир. Бу ишқ рўзгор (турмуш) ташвишларига ботган авом ишқидан фарқ қилади. Шу жиҳатдан Навоийнинг барча қаҳрамонлари соликлар. Навоийнинг бадиий маҳоратини, санъаткорлигини ишқ таърифисиз ёритишнинг имкони йўқ. Ишқни эса тасаввуф кашф этди.

Аммо яқинда пойтахтда бўлиб ўтган навоийшуносларнинг катта анжуманида таниқли олимимиз Иброҳим Ҳаққулов таъкидлаганидек, шоир дунёқараши, унинг ахлоқий-маънавий идеали борасида сохта нуктадонликдан ҳам сақланмоқ лозим. «Навоий ўқиб-ўрганган тасаввуфий манбаларнинг бир қисми билан танишиб, кейин ҳазратнинг суфийлик ва суфийларга муносабати, шеъриятининг тасаввуф билан алоқаси ҳақида сўз юритилса!» (И.Ҳаққулов).

Мен университетда «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» фанидан дарс бериш жараёнида тасаввуфий манбаларни имкон қадар ўрганган, бу мавзуда ҳар бир сўзни жуда катта масъулият ҳисси билангина айтишга журъат этадиган бўлсам-да, бу сўзлардан сўнг мени қаттиқ андеша қамраб олди. Табиатимдаги тортинчоқлик маърузамни ҳам кўнгилдагидек узатишга йўл бермади. Ҳақиқатан ҳам, ҳазрат шахси ва ижодиётини суфийлаштириб қўймайлик. Суфийлик асосан нақшбандиянинг яна бир йирик вакили Сўфи Аллоҳёр ижоди мисолида шариат тарғибидангина иборат бўлиши ҳам мумкин. Ҳазратнинг беҳудуд ижодий тафаккурини қандайдир қолипга солиб қўйишдан эҳтиёт бўлган лозим.

Аммо Навоий шеъриятни, бадиий ижодни ўзининг бебаҳо ғоявий тафаккурини пардалаш учун танлади. Ўйлаганларини рамзу тимсоллар воситасида ифода этди. Рамз ва тимсоллар эса яна тасаввуфни англатади. Шоир ўзи валийлик билан: «Менинг нукталарим жуда нозикдир, улардаги рамзий маънолардан бир заррасини изҳор этиш учун мени тушунадиган бир киши бўлса эди, кошки», дея умид қилади:

**Нукта нозук бўлди асру бўлғай эрди, кошки**
**Шаммае бу рамздин зоҳир этарға маҳраме...**

Навоий ижодий мероси юзидаги ҳарир пардаги эҳтиётсизлик билан қўл урмоқ мумкин бўлмаган ишдир. Уни аҳли сидқ учун имконият даражасида кўтарилишига ҳазрат руҳи поклари мадад қилади.

**Дилором САЛОҲИЙ,**
**филология фанлари доктори,**
**СамДУ ўзбек адабиёти тарихи**
**кафедраси мудири**

# БОБУРПОДШОҲНИНГ ЖИЯНИ

Бобурподшоҳнинг опаси Хонзодабегим ва унинг ўғли, яъни Бобурнинг шайбонийзода жияни Хуррамшоҳ тақдири ҳақидаги маълумотлар талқини тарихий манбалар ҳамда ҳозирги замон бадиий адабиёти, илмий-тадқиқотларда турли-туманлигини кўрамиз. Шу сабабли гоҳо ўқувчиларимизни «Бобурнома» ёки Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» каби ўзбек тилида нашр қилинган асарлардан ташқари, ҳозирча чоп этилмаган бошқа ёзма манбаларда Бобурнинг бу қариндошлари тўғрисида яна қандай хабарлар борлиги қизиқтириши табиий ҳол. Бобурподшоҳ «мақбул ўғлон эди», дея таърифлаган Хуррамшоҳ ҳақида ўқувчи жуда кам маълумотга эга. Биз ушбу мақолада ана шу икки мавзуга тўхталиб, тарихий манбалар орқали воқеликка назар ташлаш ва ўқувчини бор ҳақиқатдан хабардор қилишни лозим топдик.

Хонзодабегим ва унинг ўғли Хуррамшоҳ тўғрисидаги илк маълумот «Бобурнома»да акс этиб, Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»(1524), Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий»(1545)да бу борадаги фикрларини асосан «Бобурнома»дан иқтибос қилганлар, ўзларидан эса кам янгилик қўшганлар. Бироқ, қувонарлиси шуки, «Аҳсан ат-таворих», «Лаб ат-таворих», «Тарихи оламоройи Аббосий», «Тарихи Қипчоқхоний», «Мажмаъ ул-ғаройиб», «Мусаххир ил-билод», «Тазкирайи тарихи Муқимхоний» каби бошқа асарлар маълумотлари ҳам мазкур мавзудаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қила олади.

«Бобурнома»нинг бизгача етиб келган ноқис нусхаларида Хонзодабегимнинг Бобур Самарқандни сулҳ асосида ташлаб чиққан 1501 йил август ойида «Шайбонийхонга тушгани», яъни бу ғаними никоҳига киргани қайд этилиб, опасининг 1510 йил декабрида эса Марвда шоҳ Исмоил томонидан қатли омга дучор бўлмай, балки Бобурнинг опаси экани учун шоҳ ташаббуси билан укаси Бобур мирзо олдига юборилгани, опасининг Шайбонийхондан туққан «Хуррамшоҳ отлиқ мақбул ўғлон»инининг Балхда ҳоким бўлгани ва отаси ҳалокати воқеасидан бир-икки йил ўтиб қазо қилгани қайд этилади, холос. «Тарихи Рашидий»да Хонзадабегимнинг тўрт-беш йилдан сўнг Шайбоний никоҳидан чиқарилиб, Ҳодихожа никоҳига киритилгани, яна бир манбада эса бунга хоннинг Хонзодабегимдан заҳар беришда гумонсираши сабаб бўлгани кўрсатилган. Султон Муҳаммад Балхий «Мажмаъ ул-ғаройиб»да ёзишича, унинг отаси Дарвиш Муҳаммад муфти Хуррамшоҳ саройида хизмат қилган. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған қаламига мансуб «Мусаххир ил-билод» китобида Ҳодихожанинг кимлиги ва Хуррамшоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти хусусида махсус, кенгроқ маълумот берилган.

Кўрганимиздек, Бобур маълумотида Ҳодихожа номи тилга олинмайди ва Хуррамшоҳга Балх вилояти берилганидан бошқа факт қайд этилмайди. Бу қисқа маълумотда Бобурнинг бу жиянини кўрган-кўрмагани факти аниқ эмас. Дейлик, мабодо, Бобур Хуррамшоҳ ҳақидаги кўпроқ маълумотни «Бобурнома»нинг бизгача етиб келмаган 1510 йил воқеалари баёнида зикр этган бўлса, у ҳолда бу асарнинг тўлиқ кўлёзма нусхаларига эга Хондамир ва Муҳаммад Ҳайдар ўз асарида мазкур маълумотларни нимага иқтибос қилишмаган?

Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида Хонзодабегимнинг иккинчи никоҳи эсланмасдан, Хуррамшоҳнинг ҳам онаси билан бирга тоғаси Бобур олдига Қундузга келгани тасвирланади. Хонзодабегимнинг Бобур билан учрашуви воқеаси «Бобурнома» маълумотига асосланган бадиий талқиндир. Асар яратилиши чоғи форс тилидаги «Ҳабиб ус-сияр», «Тарихи Рашидий» каби яна ўнлаб ёзма манбалар қўл остида бўлган шарқшунос тарихчи олим ва ёзувчи Пиримқул Қодиров Хуррамшоҳнинг Бобур билан мулоқотини ана шу бадиий тўқима орқали акс эттиришни маъқул топган. Бадиий асарнинг йўриғи бошқалиги учун ёзувчининг бунга ҳаққи бор. Андижонлик адиба Омина Тожибоева «Қиёмат тақдир» ҳикоясида Хонзодабегимнинг Шайбонийхон никоҳидан чиқарилиб, унинг хизматидаги Зиё Ҳоди исмли бир кекса руҳоний билан турмуш қургани, бу руҳоний жисмонан заиф бўлгани ва Бобурни ҳурмат қилгани юзасидан Хонзодабегимни ўз синглиси каби асраб, фурсат топганида укаси Бобур олдига юборишни мўлжаллаб юриши, аммо Марв жангида Шайбонийхон билан бир сафда ўлдирилиб, унинг бу орзусини шоҳ Исмоил амалга оширганини ўз бадиий талқинида ҳавола этади. Бу адиба ҳам Хуррамшоҳнинг тоғаси олдига Қундузга келганини ҳикоя қилади. Гарчи, ўрта аср қоидалари ўзгачалиги ва шоҳлар ҳаёти ҳам бошқача тарзда кечганини билсак-да, адибанинг бундай бадиий тўқима ва фаразидан мақсадини яхши тушуниб турибмиз; уни шундайлигича қабул қилиш ўқувчига ҳам малол келмайди.

Р.Шамсутдинов ва М.Абдуллаевнинг «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифалари хусусида» номли мақоласида(«Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни», 2008) эса, «Хонзодабегимнинг Шайбонийхон 1510 йилда ўлдирилгач, Бобур олдига келгани ва шундан сўнг Саййид Ҳоди исмли киши билан никоҳдан ўтгани, аммо уларнинг турмуши узоқ давом этмагач, Хонзодабегимнинг Маҳдий Хожа билан турмуш қургани» тарихий факт сифатида ҳавола этилган.

Аслида тарихий воқелик қандай бўлган? Юқорида эслатилган ёзма манбалар бу тўғрида қуйидаги маълумотни беради: 1478 йилда туғилган Хонзодабегим 1501 йилнинг августида Бобур ва Шайбонийхон ўртасида тузилган сулҳ битими шартига биноан(Т.Файзиев. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. «Ёзувчи», 1996) Самарқандда Шайбонийхон никоҳига киради. Бу никоҳдан 1502 йил май ойида Хуррамшоҳ дунёга келади. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, хон Хонзодабегимни, заҳар беришда гумонсираб, ўз никоҳидан чиқаради. Қоидага биноан бева қолган сарой аёли бундай воқеадан сўнг ё эрсиз ўтиши ёки ҳукмдорнинг энг яқин кишисига тегиши лозим эди. Хонзодабегимни ўзидан узоқлаштирган Шайбонийхон шу сабабли бевасининг ўз бўласи(холаваччаси) Саййид Ҳодихожа бин Муртазохожа никоҳига киришига розилик беради. Бу Дашти-қипчоқлик саййидлар хонадони шажараси Саййид Ото(вафоти 1291 йил) орқали Ҳазрат Али бин Абу Толибга уланади. Саййид Ҳодихожа Шайбонийхоннинг ҳам бўласи, ҳам шижоатли амирларидан бири ҳисобланиб, ўша пайтда 50 ёшларда бўлган. Хонзодабегим эса, 28 ёшда эди. Шайбонийхон 1506 йилнинг 15 ноябрида Балхни эгаллаб, соғлом энагалар ва ҳарбий ишга моҳир амирлар, яхши илмли устозлар қўлида тарбия топган қобилиятли ўғли Хуррамшоҳни Балх ва унинг музофотларига ҳоким қилиб тайинлайди. «Мусаххир ил-билод» муаллифи бу ҳақда шундай ёзади: «Ёш бўлгани учун ул шоҳзоданинг отолиқи мансабига Қанбар Мирзо кўкалтош тайинланди. Ул яхши хислатли амир ҳамиша ўз марҳамати қаноти ва адолати соясини мазкур вилоят аҳолиси боши узра ёйди... шунинг шарофатидан бутун Балх мамлакати ободончилик ва фаровонлик топди. Олий мартабали шоҳ-

Тадқиқот, ахборот

зода Хуррамшоҳнинг ёрқин кўнгли ов ва шикор ҳавасига лим тўла, дили гулюзли ёшлар ва қуёшчеҳрали ботирлар билан суҳбат қурмоқ иштиёқи билан тўлиб-тошгани сабабли, кўп вақтини шикор нашидасини сурмоқ билан ўтказарди. Доимо соядек отаси Шайбонийхон узангиси хизматида юрар, ҳеч қачон унинг буйруғи ва фармонини бажармасдан қолмас, ҳеч бир сўзини икки қилмас эди...». «Мажмаъ ул-ғаройиб»да айтилишича эса, Хуррамшоҳ ўз атрофига ўқимишли ва фозил кишиларни тўплаган. Кўринадики, довюрак ва яхши ҳарбий таълим олган Хуррамшоҳ ёшлигига қарамай отаси Шайбонийхон билан бирга Балх, Ҳиротни олиш жангларида қатнашган ҳамда давлат бошқариш сирларини ўрганган.

1507 йил июнь ойида Машҳад қўлга кириб, Шайбонийхон у ерга мазкур бўласи Саййид Ҳодихожани ҳоким қилиб тайинлайди ва Хонзодабегим ҳам Машҳадда яшай бошлайди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 1510 йил октябрида шоҳ Исмоил Сафавий Хуросонга юриш қилади ва оз сонли қўшин билан Ҳиротда ўтирган Шайбонийхон урушга қулай жой сифатида Марвга чекинади. Сафавийлар қўшини Машҳадга яқинлашгач, Ҳиротда қолган шу шаҳар доруғаси Жон Вафобий дўрмон, Машҳад ҳокими Саййид Ҳодихожа, Нисо ҳокими амир Муҳаммад Солиҳ ва Дурун ҳокими Подшоҳхожа(Хожа) кабилар ҳам Марвга келадилар. Шайбонийхон Балх, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон қўшинларини ёрдамга чақирган бўлиб, Хуррамшоҳ дарҳол ўз қўшини билан отасига ёрдамга ошиқади. Бироқ Шайбонийхон ёрдам келишини кутмай, 1510 йилнинг 5 декабрида жангга киришиб, ҳалок бўлади. Бу жангда Саййид Ҳодихожа ҳам ўлдирилади. Исмоил Сафавий ғалаба қозонгач, Марв аҳолисини «қатли ом» қилдириб, бегуноҳ аҳоли бошларидан миноралар ясалади. Ана шундай бир пайтда Бухородан ёрдам учун келган Убайдуллахон амакиси Шайбонийхон ҳарамидаги Бобур тоғасининг қизи Мўғулча хоним(Ойша султонбегим) бента Маҳмудхон Кошғарийни қутқариб, Бухорога олиб қочишга улгуради. Саййид Ҳодихожа уғруқи(оиласи) эса, асир тушиб, Хонзода бегимнинг Бобур синглиси экани маълум бўлгач, шоҳ уни Бобур ҳузурига юборади. Бу пайтда 32 ёшга кирган Хонзодабегим шундан сўнг ҳеч кимга турмушга чиқмай, Бобур ва Ҳумоюн давлатининг жонкуяр маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатганча 1544 йили Кобилҳақ мавзесида оламдан ўтиб, Кобулдаги Бобуршоҳ мақбарасига дафн қилинади.

«Мусаххир ил-билод» муаллифи Хуррамшоҳ ҳақида яна шундай ёзади: «Отаси Марв қамалида қолганда биринчи бўлиб шу Хуррамшоҳ Балх лашкари билан отаси ёрдамига ошиққан эди... Отаси дунёни шаҳидлик билан тарк этгач, Хуррамшоҳ ҳам охират сари шитоб билан кетди. Хуррамшоҳдан насл қолмади».

Томирларида уч томонлама чингизий ва темурийлар қони юриб турган Хуррамшоҳ шоҳ Исмоил Балх сари юрмасдан бурун Самарқандга қайтади. У тоғаси сафавийлар ёрдамида Самарқандни эгаллаган 1511 йил кузидан олдин, яъни ўша йил ёзида Самарқандда ҳаётдан кўз юмади. Биламизки, бу шаҳарда Бобур яна олти ой тахтда ўтирган. Айни ҳодисалар пайтида Самарқандда истиқомат қилиб турган ва ўша давр воқеаларини «Сулук ул-мулук» асари муқаддимасида акс эттирган Рузбеҳон Исфаҳоний шайбонийларнинг Туркистонга қочиб кетгани, 1512 йил апрелида эса, уларнинг яна қайтиб келиб, Бухорога яқин Кўли Малик ёнидаги жангда Бобурни енгиб, мамлакатни қўлга киритгач, шаҳару туманларни ўзаро тақсимлашгани ҳамда Бобурнинг ўша давр ичидаги ҳукмдорлик фаолиятини батафсил ёзиб, шайбоний хонзода ва султонлари номини бир-бир ва қайта-қайта тилга оларкан, Хуррамшоҳ номини бирон марта ҳам зикр этмайди. Агар Хуррамшоҳ бу пайтда тирик бўлганда унга ҳам она бошқа акаси Темур султон ва унинг ўғиллари, она бошқа укаси Севинч Муҳаммад султон каби Самарқанддаги шериклик тахти ёки камида бирор вилоят ва туман ҳокимлиги берилгани қайд этилган бўларди. (Академик Бўривой Аҳмедов ҳам «История Балха» китобида, таҳлил ва изоҳсиз бўлса-да, Хуррамшоҳнинг туғилиш ва вафоти санасини 1502 — 1511 йиллар шаклида кўрсатган.)

Бобур ва унинг қариндошлари ёки, умуман, тарихий сиймолар ҳақида фикр юритганда ёзма манбаларга мурожаат қилинса, ўтмиш ҳақидаги тасаввуримиз яна ҳам бойиган, аждодларимиз ҳурмати ҳам жойига қўйилган ва тарихий ҳақиқат ойдинлашган бўларди.

**Исмоил БЕКЖОН,**
**филология фанлари номзоди**

Доимий ҳамроҳ

# "ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ"

Мустақиллик барча соҳалар сингари маънавий-маърифий жабҳада, хусусан, бадиий адабиёт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиш учун имкониятилар яратди. Натижада адабиётга муайян мафкуранинг тарғибот минбари деб эмас, балки миллий маънавиятнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қарала бошлади. Адабий мерос намуналарини қайта баҳолаш, миллий адабий-эстетик тафаккур тамойиллари асосида тадқиқ қилиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Академик Азиз Қаюмовнинг қарийб 60 йиллик илмий-адабий фаолиятини ўз ичига олган асарлари ўн жилдлиги нашр этилгани ана шу долзарб вазифа нечоғли катта масъулият билан амалга оширилаётганига мисол бўла олади.




Устоз олимнинг "Қўқон адабий муҳити" монографияси дастлаб 1961 йили чоп этилган эди. Шубҳасиз, бу илмий асар адабиётшунослигимизда муҳим воқеа бўлди. Монографиянинг илмий қиммати, адабиёт тарихини ўрганишдаги аҳамияти мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан муносиб эътироф этилди. Асар X1X аср Қўқон адабий муҳитига оид кейинги тадқиқотлар учун илмий-методологик асос, назарий қўлланма вазифасини ўтади. Шунга қарамай, таъкидлаш жоизки, шўро замонидаги ҳукмрон мафкура бадиий ижодда ўзига хос анъаналарга, адабий-эстетик мезонларга эга бу адабий муҳит ҳақидаги барча ҳақиқатларни борича тадқиқ қилиш имконини берган эмас.

Азиз Қаюмов асарлари ўн жилдлигининг 7-жилди Қўқон адабий муҳити тадқиқига бағишланган. Ушбу адабий муҳитга оид илмий асарнинг мустақилликкача ва унга эришилгач чоп этилган икки нашри муқоясаси орқали ҳам адабиётшуносликнинг ривожи учун истиқлол нақадар катта имкониятлар яратганини яққол ҳис этиш мумкин. Икки нашрнинг принципиал фарқи, асосан, қуйидагиларда кўринади: биринчидан, мустақиллик давридаги нашр мафкуравий қолиплардан холи экани билан ажралиб туради. Жумладан, Амирий ва у раҳбарлик қилган адабий муҳит синфий нуқтаи назардан эмас, адабиётнинг соф эстетик қонуниятлари асосида тадқиқ қилинган. Уларни баҳолашда аосий мезон асар мазмуни ва ижодкор бадиий маҳорати бўлган; иккинчидан, олим асарларининг ўн жилдлиги 7-жилдида аввалги нашрдан фарқли ўлароқ бошқа ижодкорлар – Жалолий, Азимий, Утожий, Салоҳийнинг "Гул ва булбул" достони, Равнақ, Садоий, Шўҳий, Вазир, Адо, Фазлий, Нозик биби ва Хон шеърлари адабий-эстетик жиҳатдан таҳлил этилган.

Умуман, 2010 йили "Мумтоз сўз" нашриётида чоп этилган мазкур илмий асарни мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигининг ўзига хос ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Китобнинг дизайни ҳам, мазмун-моҳияти ҳам адабий мерос тадқиқида янги давр бошланганидан дарак беради.

**Розия ХАБОХУНОВА,**
**ЎзМУ тадқиқотчиси**

# "ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ"

Яқинда "Турон-Иқбол" нашриётида "Ўзбек адабий танқиди (XX аср адабиётшунослиги)" антологияси чоп этилди. Антологияни тузувчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари доктори Баҳодир Каримов.

Китобдан олтмиш нафар мунаққиднинг энг сара мақолалари ўрин олган. Ушбу мақолалар фикр изчиллиги, услуби, ифода тарзидаги ўзига хослик билан ажралиб туради. Беҳбудийнинг "Танқид сараламоқдир" мақоласида танқидчининг асосий вазифаси саралаш, яъни асарга холис баҳо бериш, деган фикр илгари сурилади. Биргина Чўлпон шеърияти, поэтик маҳоратининг Вадуд Маҳмуд, Олим Шарофиддинов, Ҳ.Ёқубов ва Н.Каримовнинг мақолаларида турли талқинига гувоҳ бўламиз. Вадуд Маҳмуд "Чўлпоннинг "Булоқлар"и" мақоласида "...ўзбек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси "Булоқлар"да қайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги "Булоқлар"да сайрайдир, ўқуйдир", деб баҳоласа, Н.Каримов "Чўлпон ва XX аср шеърияти" мақоласида "шеъриятни халққа, унинг ҳаётига, қалбига, изтироблари, азоблари, орзу ва умидларидан иборат руҳий оламига яқинлаштирган"и, бу эса шоирнинг ўзига хос услуби ва кечинмаси эканлигини таъкидлайди. Миён Бузрук, Сотти Ҳусайн, Иззат Султон, Ҳ.Каримов, З.Исомиддинов, Д.Қуроновнинг мақолаларида Қодирий романлари турли жиҳатдан талқин этилади. Зеро, "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари мунаққиду адибларнинг эътибор марказидан ўрин олиб, ярим асрдан зиёд ўрганилган бўлса-да, ҳали-ҳануз янги-янги тадқиқотлар учун асос бўлиб келаётир.




Шунингдек, антологиядан М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, У. Норматов, С.Мамажонов, А.Расулов, И.Ғафуров, Н.Раҳимжонов, Б.Назаров, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, С.Мели ва бошқа мунаққидларнинг сара мақолалари ўрин олган.

Адабий жараённинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган адабий турлар борасидаги баҳс-мунозаралар ҳали поёнига етган эмас. Ўзбек адабиётшунослигида бу борадаги назарий фикрларни профессор Б.Саримсоқов ўртага ташлади. Маълумки, адабий турларни эпос, лирика, драма сингари уч турга бўлиб ўрганиб келинади. Сўнги изланишлар, баҳс-мунозаралар самараси ўлароқ учала турнинг хусусиятларидан фарқланувчи мустақил жанрларни алоҳида тўртинчи адабий тур сифатида ўрганиш адабий жараёндаги муҳим масалалардан. Жумладан, мақолада мақол, матал, топишмоқ сингари мустақил жанрларни паремия номли тўртинчи адабий тур сифатида ўрганиш таклиф этилади. Профессор Д.Тўраев "Ҳаёт ҳақиқатидан бадиий сюжетга" мақоласида ҳаёт ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёни, образлар прототипи, сюжетни ҳаракатга келтирувчи куч ҳақида тўхталиб ўтади.

Бадиий асарда деталнинг асар ғоясини очишдаги ўрни мавзуси Й.Солижоновнинг "Деталлар тилга кирганда" мақоласида ёритилган. Шунингдек, У. Жўрақуловнинг "Миф ва ижодий жараён" мақоласида миф ва ижод ўртасидаги боғлиқлик, мифологиянинг эксцентрик нуқтаси бўлган хаос ва космос тушунчалари, бадиий ижод билан боғлиқ жиҳатлари ёритилади.

"Ўзбек адабий танқиди" антологияси орқали ўтган аср адабий танқидчилигида кечган ижодий жараён, муаммолар, ютуқ ва камчиликлар борасида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Антологиядан жой олган мақолалар талқинлар холислиги, илмийлиги, баҳс-мунозараларга бойлиги билан қимматли. Шунингдек, ҳар бир мақола бадиий ижоднинг алоҳида назарий, илмий ва бадиий масаласига бағишлангани билан алоҳида аҳамиятга эга.

**Ўғилой ИМОМНАЗАРОВА,**
**Қарши давлат университети тадқиқотчиси**

Хуршид НУРУЛЛАЕВ

# ЎЙНОҚЛАБ ТУШАДИ ОНА ЕРГА ҚОР



## САМАРҚАНД НОНИ

Уйлару кўчалар ёниб тургандек,
Ҳавода оқарган тандирнинг тафти.
Майсалар баҳорни хаёл сургандек
Бошлари эгилган, сарғайган афти.

Ташналикдан қотиб қолади забон,
Ўйлайман юттанча оташ ҳавони,
Тандир — уфқларга туташган осмон,
Кўкда нурли қуёш — Самарқанд нони.

* * *

Шамол уйғотгандек, яшил япроқлар
Юзида кўз очди хол, сарғиш ранги.
Энди кўкламгача мунғайган боғлар
Соғиниб яшайди булбул оҳангин.

Кузги майсаларни ҳар тонг ўргатар
Елкада қандай қор тутишни қиров.
Ирмоқдек оққан сой бирам муаттар,
Қўлни ботирмоққа юрак бермас дов.

Теримдан толиққан экинзор пайкал
Тақирбош тутларнинг қуршовида жим.
Шийпон толларида мудрар қуш пакал,
Мезоннинг салқинин қилолмай ҳазм.

Булутлар сурувин ҳайдайди шамол,
Шалаббо ёмғирда увиллар яниб.
Туман гоҳ борлиққа ўрайди рўмол,
Гоҳ адир қуйнида ётар ястаниб.

Чорбоғлар кимсасиз, далалар беғам,
Ёмғирда ювилган олам беғубор.
Одамларни кўриб уйда хотиржам,
Ўйноқлаб тушади она ерга қор.

* * *

Ситмоққа қийналар тонг туннинг чокин,
Саҳархез қушларнинг овози авжсиз.
Сойдаги қатра сув шунчалар сокин,
Шишадай тип-тиниқ, хаёлчан, мавжсиз.

Юкли келин каби кўк юзида доғ,
Бадарға булутлар қайтар самога.
Суйкалса ортидан эргашар япроқ,
Қовун ҳидидан маст юрган сабога.

Супада, мурғагин босиб кифтидан
Мушук ялаб ювар унинг бетини.
Мунғайиб қолгандек айвон шифтида
Уста қалдирғочнинг нақшинкор ини.

Қовжираган майса келтириб раҳмин,
Қиров чор-атрофга ёзиб чиқар бўз.
Сарғишранг нимчасин кияркан замин,
Борлиққа қайтадан ном қўйилар — куз.

Куз — мунис онамнинг ҳорғин сиймоси,
Ажинин эслатар япроқсиз шохлар.
Кийишидан олдин оппоқ либосин,
Ёмғирда чўмилиб олади боғлар.

## ҲАЁТ

Харсангларга қўйиб бошимни,
Майсаларнинг тинглаб эртагин,
Сўнг қайгадир кетаман учиб,
Тутиб хаёлларнинг этагин.

Тиниқ кўкнинг кўзлари менда,
Сукут сақлаб турар чўққилар.
Олам кириб борар қалбимга,
Олам қалбим аро гуркирар.

## ҚИШ АФСОНАСИ

Ёғаётган қорлар — қишнинг гуллари,
Симобий рангларда энтикар кўнгил.
Тангрига чўзгандай очиб қўлларинг
Дейсан: "Қор, кел, менинг кафтимга қўнгил".

Қорлар-чи чиройли бири-биридан,
Табиат, энг буюк ижодкор ўзинг.
Изоҳ тополмай бу истак сиридан
Қорлар бўсасига тутасан юзинг.

Дунё оқаради онанг сочидай,
Билмайсан, нечундир ёшланар кўзинг.
Туюлар борлиқнинг уфқ қулочидай,
Ёғаётган қорлар руҳингми, ўзинг.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

# ЭШИТДИМ ДАРАХТНИНГ ЮРАК ЗАРБИНИ



Юрди увиллаб.
Нечун кулди?
Нечун йиғлади?
Дунё ўзи шундайми, азал?
Ғамлар — тахир, бағр тиғлайди,
Қувонч — тотли, мисоли асал!

Миллион йилдир у тилсиз гувоҳ,
Гоҳо шодон, гоҳ азобланар.
Ғамнинг таъмин билмай чекар оҳ,
Ишқ нелигин билмай қувонар...

## ВИСОЛ

Худонинг инъоми — бу гўзал дийдор,
Бу сирли учрашув...
шу кунга ёзиқ.
Кўзлари осмонга боқар миннатдор,
Самодан олгандек илоҳий озиқ.

Илтижо ижобат бўлган дамдир шу,
Висол — яратганнинг қутлуғ туҳфаси.
Бу гул энди сўлмай яшайди мангу,
То қиёмат қадар...
тинмас нафаси.

* * *

Баргларнинг юзлари намли, ёш,
Қалбида нимадир яширин.
Гўёки энг яқин қариндош
Япроқлар қучоқлар бир-бирин.

Хазонлар — кузакнинг армони,
Орзуси — бевақт тўкилган.
Бу фурсат кетгандек дармони,
Боғларнинг юраги ўкинган.

Дарахтлар мунғаяр хўрсиниб,
Видога чоғланган лаблари.
Оҳиста пичирлаб ҳол сўрдим,
Эшитдим, юрагин зарбларин...

Дийдорга тўймаган ошиқдек,
Кетишни истамас даъфатан.
Кўзини уқалаб шошил дер,
Қовоғин уйганча Қаҳратон.

## ЁЛҒИЗЛИК

Сўлғин қароғимда ухлади,
Тун сочини келди-да ёйиб...
Ҳазин қўшиқ айтиб йиғлади,
Гоҳ югурди, йиқилди тойиб...

Қулоғимни чимчилаб ўтди,
Аллақандай сирни шивирлаб...
Қаҳ-қаҳ уриб кулганча кетди,
Сўнг йироқда...

Иномжон АБДИЕВ

# ГУЛУЛИ

Ҳикоя

Гулули — Гулсара, бизнинг Қавчин овулда ҳамма танийдиган танҳо заифа. Гулули — тўйида, бахти ойдай тўлганида қувончини қисмат булути тўсиб, иқболи кемтик бўлган телба сулув. Ёшу қари бирдек биладиган бу сулувнинг ёлғиз белгиси, у — бебахт қиз. Бахтсизликни ҳамма таниркан-да. Гулули шу кемтиклиги билан-да қавчин овулда эзгуликдан хабардай бўлиб шарпадай кезинади. Аммо буни ҳамма ўз-ўзича тушуниб, ўз маҳалида илғайвермайдики, бу эзгуликка, яхшиликка чорловчининг, мусибатдан огоҳ этувчи бу санамнинг қисмати бошқа қавчинликларнинг қувончидан шаҳодатдир, уларнинг саодати ҳисобига бахти қародир унинг. Ким билсин? Менинг бутун болалигимга, ўсмирлигимга эш бўлган Гулули — Гулсара опа, синфдошимиз Мафтунанинг жинни аммаси чиндан ҳам жунунмиди, бебахтмиди, элга эрмак, шамолга шалоқмиди? Ким билсин? Бир пайтлар тим қора бўлган бўлиқ сочларига бугун қиров инган бу безиён малакнинг не ўйи борки, одамлар телба атасада, унинг нигоҳлари мудом ўйчил, тушуниксиз ғуссага тўлиқ. Ҳар ниманинг икки томони бор, деганларидек, икки томондан қарай олмоқлик ҳаммага ҳам насиб эмас экан-да.

* * *

Ризвон маллани девор босиб қолибди, деган гап қишлоққа бир зумда ёйилди. Қўшним Мурод билан кўргани борганимизда беш-олти одам бор эди. Ризвон бобо эҳтиёткорлик билан елкасига ёстиқ қўйиб, деворга суяниб ўтирар, юзида ўйноқлаган хижолатомуз табассумдан аҳволи бинойидек кўринарди. Пойгакдан жой олиб, отахон билан сўрашган бўлдик. Ҳамма ҳазил-ҳузил қилиб, беморнинг кўнглини кўтариш билан овора, айниқса, жинжак лақабли Норча ака ҳеч кимга гап берай демасди.

— Вей, ўзиям бақувват экансиз-а, отам, ўрнингизда бўлганим-да, нақ белим синиб ўлган бўлардим. Устингизга ўзиям мана шундай — у икки қўли билан ҳавони қучоқлади — девор йиқилди-я. Бир пайт бақир-чақир бошланди. Эшитиб турсам, Гулулининг овози. Бир бало бўладиёв, деган ўй ўтди кўнглимдан. Ҳамма Гулулига андармон бўлиб турганди. Шу пайт девор Ризвон бованинг елкасига ағнади-да.

Тўрда ўтирган Мейли бобо пихиллаб кулиб, узатиб ўтирган қийшиқ оёқларига шаппатлади:

— Қаеримдан ўтди, дейсан ҳей, жинжак? Кўнглимдан? Балки бошқа жойингдан ўтгандир... хих-их. — Кейин у бирдан жиддий қиёфага кириб, даврага олазарак боқди, — фалокат келса, шундайчикин бўларкан-да, а, менам оғзим очилиб, қоч, дейишгаям улгуролмадим, ошнамга.

Норча ака Мейли бобонинг гапига жавоб қайтармоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, кейин барибир унга бас келолмаслигини билиб, яна Ризвон бобога юзланди:

— Ўзи сизга ҳалак бўлиб, сўраш эсдан кўтарилибди, Гулули нега келган экан?

— Нега келарди, доимги одати, эски уйларни бузманглар, арвоҳлар чирқирайди, дейдида, — деди Мейли бобо яна гапга аралашиб. — Тўйдан олдин эскини бузиб, янгини тиклаш удум-ку! Ана, — у ёнимда ўтирган Муродга юзланди, — бир йили отанг эски уйни бузиб, сенга айвон солиб бераётганда ҳам тўполон қилиб борганди-я шу Гулули?

Шеригим тасдиқ ишорасини қилиб бош қимирлатди.

Бу гапдан сўнг ҳамма негадир жим бўлиб қолди.

Ризвон бобонинг уйидан қайтаётиб, кўчада Гулулига кўзим тушди. У ҳар доимгидек кичик икки табақали кўк темир дарвоза ёнида орқасини деворга бериб ўтирарди. Эгнида ўша-ўша ранги униққан кўкиш кремпелен кўйлаги, бошида ундан бироз оҳори кетган рўмол. Озғин қомати, оқ-сариқдан келган юзи, пешонасига танғиб олган рўмоли фақат унгагина хосдек. Рўмоли остидан чиқиб турган кулранг сочларини кўрганимда бошқача бўлиб кетдим. Авваллари ҳам уни кўрсам кўнглимга ғойибдан ғулғула тушар, болалик тасаввурим билан росмана чўчирдим. Аммо унинг нигоҳи.. Нигоҳидаги маъюсликка, маҳзунликка қоришиқ телбавор кулгусида жунунваш бир сеҳр бордек эди. У тикилиб тураверар, кейин бошқа томонга назар солиб, ғудраниб қўярди. Ҳозир ҳам ўтган-кетганга син солиб, хиёл жилмайиб турибди. Мени кўриб кўзлари баттар қисилди. Унинг ёнидан ўтаётиб бир воқеа бехос эсимга тушди.

Амакимнинг уйида эдик. Ташқаридан бақирчақир овози эшитилди. Амаким ва мен илкис деразага нигоҳ ташладик.

— Қара-чи, — деди у. Ўрнимдан қўзғалишга улгурмай, эшик очилиб, Шаҳноза опам кўринди.

— Ота, анавини қаранг, ҳовлига кириб олибди, кетмаяпти, — деди у баланд овозда.

— Ким?

— Анави, қўшни, жинни аёл... қаранг.

Бирин-кетин ҳовлига чиқдик. Дарвозахона тарафдан янгамнинг ҳам қораси кўринди. Гулули ток остидаги каравот ёнида турарди. Бизга кўзи тушиши билан, тескари ўгирилиб олди. Суяги чиқиб қолган озғин-ингичка қўллари билан каравотни ушлаб, ғудрана бошлади.

— Нима деяпти? — сўради амаким.

— Юнус Маликага уйланмасин, деяпти, — деди Шаҳноза кўзини аёлдан узмай. Амаким ўғли Юнусни шу йил ёзда ўқишни битириб келгач, узоқ қариндошимиз Суннат аканинг қизи Маликага уйлантиришга тараддуд кўраётганди. Амаким жаҳли чиқиб, "Нима?", деб бақирди. Кейин оёқяланг ошхона томон юрди. У қўлида белкурак кўтариб олган, қовоғини уйиб, ҳезланиб келарди. Супадан ўтаётиб, мункиб кетди, ўзини ўнглаб, сўкинди-да, бир қўллаб почасини қоқди. Яна бир-икки қадам юриб белкуракнинг учини каравотнинг темирига даранглатиб урди. Гулули чўчиб тушди. Салнари сурилиб, баттар мунғайди. Елкаси кўтарилиб, боши ичига кириб кетгандек бўлди. Товуши қаттиқроқ чиқа бошлади, аммо гапларига тушуниш маҳол эди.



Амаким куракни даст кўтариб, тағин аёлга яқинлашди:

— Кет, дедим, йўқол, ҳозир чопиб ташлайман.

Кўзимни чирт юмиб, тескари бурилдим. Шаҳноза опам «Ота», деб бақирди. Янгам «Бўлди қилинг!», деди амирона. Яна темирнинг даранглашидан қулоғим қоматга келди.

Шу пайт ҳовли четидаги тандирхона томонда ҳам бир нарса тарақлаб кетди. Ҳаммамиз ўша томонга қарадик. Тахлаб қўйилган ғўзачувак ёнида қўшнинининг уйига ўтиб туриш учун бир одам сиғарлик девор тешиги бор эди. Гулулининг синглиси Нафосат ўша ердан ўтиб, тез-тез қадамлар билан биз томон келарди. У гўё худди биз йўқдек, ёнимиздан сассиз ўтди-да, опасига яқинлашиб, унинг майишган қоқсуяк елкасидан ушлаб, ўзига қаратди. Гулули бир сесканиб, ярим бурилди. Синглисини таниб, тўлиқиб нафас олди.

Нафосат: «Юринг, кетамиз», деди ва опасининг қўлидан ушлади.

Улар дарвозадан чиқиб кетишаркан, янгам, «Эссиз, боёқиш... опасини деб кун сайин қариқиз бўлиб бораяпти-я», деди сўлиш олиб.

Ичкарига киргандан кейин Шаҳноза опам, у уч-тўрт кун аввал кундуз куни ҳам келганди, бир амаллаб чиқариб юборгандим, деди. Амакимнинг пешонаси тиришиб, қовоғи солинди.

— Тўйдан кейин ҳам шундай қилаверса нима қиламиз, — деди янгам ҳам жиддий тортиб.

Амаким эса:

— Нима ҳам қилардик, Гулули ҳаммамизники, — деб қўйди толғин товушда. У энди ҳовуридан тушганди. Эртаси куни амаким билан ғўзачувак ёнидаги девор тешигига ғишт тердик.

Амакимнинг ўша сўнгги сўзлари хўрсиниқдай бўлиб чиққанди. Бу хўрсиниқнинг маънисига эса кейинроқ тушундик. Не тонгки, ёз адоқлаб тўйга ўн кунча вақт қолганида, куёв бўлмиш Юнус акани ток уриб кутилмаганда вафот этди. Шу-шу аёлларнинг аксари Гулулидан ҳайиқадиган, аммо уни ёмон кўрадиган бўлиб қолишди. Бу машъум воқеа сабаб Гулулининг айтган гапларини ҳамма эслади. Начора, Гулули ҳаммамизники!

Юнус акани ерга топшириб, амакимнинг қадди эгилиб қолган сентябр кунларида биз еттинчи синфга ўқишга бордик. "Эрта-индин ҳамма пахта теримига", дейиладиган кунлар эди. Онам эртароқ кел, тегирмонга борасан, деганди. Дарсдан сўнг копток тепиб, кечикиброқ қолдим. Уч-тўрт синфдошим билан кўча тўлдириб қайтарканмиз, ичимда алланечук ҳадикни туйяпман. Шунда Гулулининг ҳар сафаргидек ўз жойида муқим турганига кўзимиз тушди. Кайфияти хушроқ эканми, ўзига ўзи гапириб куларди. Ора-орада оёқларини шаппатилаб, тиржаяди.

— Ана, жинни, Мафтуннинг аммаси, — деди Суҳроб ва ичида бир шумликни ўйлагандек, кўзларини катта-катта очди. Кейин овозини пасайтириб деди: — Кетдик, беҳисидан оламиз.

Сўнгра Гулулига уч-тўрт қадам қолганда, ўнгга бурилиб, чуқур жўяк ичига сакради. Биз ҳам шундагина ҳиди димоғимизни қитиқлаётган ва ҳосили кўплигидан энкайиб турган беҳи дарахтини кўрдик.

Суҳроб бизга қараб келинглар, деб имо қилди. Биз Гулулига қарадик. У энди кулишдан тўхтаган, бизга қараб жим турарди. Бир қарашда худди кўзини очиб ухлаётгандек таассурот уйғотарди у. Гўё озгина қалтис ҳаракат қилсак уйғониб қоладигандек, оёқ учида Суҳроб томон юрдик. Кейин ҳар биримиз биттадан беҳи уздик. Ура қочарканмиз, ортимиздан дарахтнинг қаттиқ силкингани, меваларнинг ерга "тўп-тўп" тўкилгани эшитилди.

Кийимимнинг этагини ўгириб, беҳи тукларини артганча дарвоза ҳатларканман, айвондаги сўрида ёнбошлаб, чой ичиб ўтирган отамга кўзим тушди.

— Нима у? — деди отам.

— Беҳи, — дедим қўлимдаги мевани орқамга яшириб.

— Қаердан олдинг?

Юрар-юрмасимни билмай тўхтаб қолдим. Энгагимни даҳанимга теккизиб, "Гулулиларникидан", дедим.

— Бери ке.

— Суҳроб бошлади, ҳамма олди, — деб йиғламсираб отамга яқинлашдим.

Сал нарида ўтирган онам ҳам доим отам урмоқчи бўлса, орага тушардилар. Бу сафар парвойи палак. Қўлювгич ёнида ўсма тераётган момом эса «Нима қипти?», деб сўради. «Беҳи ўғирлабди», деган жавобни эшитгач, индамай қўйди.

— Бери кел, дедим сенга, шу пайтгача қаерда санғиб юрибсан? Тегирмонга қачон борасан?

"Эсимдан чиқибди, иккинчи қилмайман", деб ёнбош бўлиб бордим. Отамнинг шапалоғи ҳавода ёзилди, ўзимни орқага тортдим, лекин улгурмадим. Елкамга теккан зарб дарвозахонада садо берди. Сапчиб тушиб, "воо" деб бақирдим. Букчайиб, елкамни ушладим. Момом ҳар доимги одатига кўра «Урма баччани-е» деб қўйдилар, холос.

Отам эса "Табгир қани, ҳозир сенинг шу ўғирлик қилган қўлингни чопиб ташлайман. Қани табгир?", деб бурчакда турган, ўтин ёрадиган ўткир асбобни олганларида қўрқиб йиғлаб юбордим.

У киши менга кўзларининг ости билан босиб-босиб қараб бир пас тургач, қўрққанимни кўриб, бироз юмшади, шекилли, табгирни отиб юборди. Билдирмай, чуқур нафас олдим. У қўлини шоп қилиб гапира бошлади:

— Яна бир марта ўғирлик қилсанг, ўпкалама. Бор, беҳини эгасига бериб, кечирим сўраб кел.

Шошиб кўчага чиқдим. Қандай борсамикин, нима деб бераман, деган хаёлда бир муддат талмовсираб қолдим. Бахтимга кўчада ҳеч ким кўринмади. Фақат Гулули ўша алфозда жимгина ўтирарди. Юрагим така-пука бўлганча, сал ҳаракат қилса, қочишга шай бўлиб, секин ёнига бордим. У миқ этмай менга тикилиб турарди. Кўзлари қорачиқларида бир исмсиз, тубсиз мунг бор эди. Ва у одамга мангу ғамгусорликни юқтирадигандек эди. Бир пас жим тургач, сал ўзимга келиб, секингина беҳини узатдим. У ҳам қўл чўзди. Кечиринг, иккинчи ўғрилик қилмайман, дедим қарийб шивирлаб. Юзида бирор ўзгариш сезилмади, индамай беҳини олди. Шундан кейин мен негадир Гулулидан қўрқмайдиган бўлдим.

* * *

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, неча-неча қизлар келин бўлди. Болалигимда бўй қиз, ўсмирлигимда қариқиз бўлган Гулули, мен институтни битириб, уйланиб, хўжаликда иш бошлаганимда ҳам худди қавчин овулдай мавжуд, ариқ бўйидаги қари толлардай собит яшаб юрарди. Фақат ёшини ортда қолдирган сочлари кумушранг, қовоқларига ажин инган, аммо кўзлари ҳануз аввалгидай сирли, қавчинликларга яхшилик соғиниб боқиб турарди.

Ўрта кўчада мактаб жўрам Эрали билан гурунглашиб тургандик. У ўғилчасини опичлаб олганди. Мен эса оиламизда янги меҳмон кутаётганимизни айтиб, ҳозир кимнинг уйида анор топилади, деб сўраб тургандим. Бир пайт у кўзи билан орқа тарафга имо қилди ва негадир кулди. Ортимга бурилсам, Гулули турибди. Эгнидаги кийими, юриши, қиёфаси ўн йил олдин қандай бўлса, ҳалиям ўшандай. Фақат кўзлари жуда хотиржам эди. Ана шу ҳаловат ичидан балқиб турган қорачиқларида бир дунё сир қалқиб тургандек. Қўлларида қип-қизил олти-етти анорни ушлаб олган.

— Назар тағa, — деди у менга тикилиб, — тунов куни анор ўғирлаганимда бақиргандингиз. Шу... — у бошини эгиб жим қолди. Ерга боқиб пичирлай бошлади. Кейин яна менга юзланди — кечиринг...

Дабдурустдан, у бобом ҳақида гапираётганини тушуниб қолдим. Балки ўхшатгандир. Бобомнинг вафотига ҳам ўн беш йилча бўлганди. У кишининг боғбонлик қилганлари ҳам рост. У анорзорлар ҳозир таг-туги билан йўқолиб, ўрнига уйлар қурилиб кетган бўлса-да, кексалар ҳалигача Назар боғбоннинг туятиш анорларини эслаб туришади. Балки Гулули ҳам гўдаклигида ҳаваси кетиб, анор ўғирлагану бобомдан дакки эшитгандир.

Бир пайт у қўлидаги анорларни менга узатди.

— Олинг, тағам хафа бўлмасинлар.. айтиб қўясиз-а... — унинг кўзлари ёш боланикидай жовдирарди.

Анорни олганимдан кейин у орқага бурилди. Ёриғидан марвариддек товланиб турган қип-қизил мунчоқларни кўриб, ичимга иликлик югурди. Шу пайт мени кимдир чақираётгандек туюлди. Қарасам, кичик амакимнинг қизи дарвозамиз ёнидан қўл силкияпти.

— Ака, уйга тез келаркансиз, янгамнинг мазалари бўмай, ўқчияптилар, — у шундай деб ичкарига чопиб кириб кетди.

Ёнимдаги мактаб жўрамнинг «Табриклайман», деган гапи қулоғимга элас-элас эшитилди. Кўзимда ёнган чўғдан бутун миям ёришиб кетгандек бўлди. Яна Гулулига қарадим. У таниш юришида ўз уйига етай деб қолган эди. Хаёлимда шу маъсум аёлнинг ортидан ҳали инсониятга таниш бўлмаган улкан бир синоат эргашиб кетаётгандек эди.

## "ҚОР ШУЪЛАСИ"НИНГ РАНГЛАРИ

Доимий ҳамроҳ

Табиат оппоқ қорга бурканганда жуда гўзал ва завқли кўринади. Қордан таралган нур қоронғу тунни ҳам ёритиб туради. Кеча ҳам кундуздек ёп-ёруғ бўлади. Қишлоқлардаги қишнинг узун тунларида тонггача давом этадиган курашли тўйлар, полвонларнинг давра айланишлари, болаларнинг ўйин-кулгулари...

Бу манзаралар беғубор ва қадрдон лаҳзаларни эсга солади. Юракдан меҳр шуъласи таралади. Бу гўзал оламни севиб қоласиз.

Таниқли шоир Турсун Алининг яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида босмадан чиққан "Қор шуъласи" номли китобини мутолаа қилаётиб, юракдан шундай туйғулар кечди. Шоир инсон меҳри-муҳаббати оламни қор шуъласидек ёритишига ишонади. Шоирнинг лирик қаҳрамони одамларга қор шуъласидек покликни, беғуборликни раво кўради.

"Чилланинг сўнгги куни" шеърида қаҳратон қиш чилласини тасвирлайди. Қор, қарғаларнинг товуши, қора ва оқ ранглардан сўз ўйини ясайди. "Қор" дея қарғалар қағиллайди: "Қор, қор-а, қора, қара, қор...". Ундош товушларнинг уйғунлиги, тақлид овозлар, оҳангда ўзига хос поэтик мазмун бор. Шоир қорни қора дейди. Бу қаттиқ совуққа ишора. Бунда катта, бепоён, кўп деган маънолар ҳам мужассам.

"Қор ёққан эди устма-уст. Ранглари турфа: қирмизи, оқ, қора, сап-сариқ..." мисраларида эса, шоирнинг тасаввур манзаралари ўзига хос: "Эски аравадай ўтади кунлар, Йилга сиғмай қолган олмалар билан," "Сен меҳрсан — юрагимда балқиган, Сен соғинчсан — кўзларимда қалқиган".




Китобда бу каби оҳорли ўхшатиш ва истиоралар бисёр. "Қор шуъласи" мундарижасидаги шеърларнинг жанри ва шакллари турли-туман. Шоирнинг тасвир услуби гоҳ қисқа учликларда, гоҳ узун сарбаст шеърларда, гоҳ бармоқ вазнидаги анъанавий шеърларда намоён бўлади. "Фарғонадан ўтган турналар", "Тунги қаҳвахона", "Эски меҳмонхона", "Александр Файнберг", "Ижодхона" каби шеърлар мазмунан бир бутун яхлитликни ташкил этади. Уларда воқелик парчалари, ижод ва ижодкор, инсон ва олам тимсоллари кино тасмасидаги суратлардек кўз олдингиздан ўтади.

Шунингдек, ушбу тўпламдан Турсун Алининг рус шоири Иван Бунин, хитой шоирлари Ма Чжиюан, Вэй Ину, Сюй Цзайси шеъриятидан ўзбек тилига таржималари ҳамда "Тафаккур кенгликларида" сарлавҳали насрий битиклари ҳам жой олган.

Муҳаррир Гавҳар Мирзаева, бадиий муҳаррир Уйғун Солиҳов.

Рустам МУСУРМОНОВ

## Ижодий кеча

Адабиёт билан, шеърият билан учрашув ҳамиша кўнгилларга эзгулик олиб киради, дилларга яхшилик уруғини сочади. Зотан, ижоднинг сирли қудрати ҳам ана шундай жонли мулоқотларда намоён бўлади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло билан бўлиб ўтган адабий суҳбат ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда сўз олган адабиётшунос олимлар Б.Назаров, Н.Каримов, З.Машарипова, шоир Т.Қаҳҳор устоз шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталдилар.

Кечада талабалар шоирнинг шеърларидан намуналар ўқиди. Учрашув сўнгида шоир ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Ўз мухбиримиз.

# “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — САНЪАТКОР ОДОБИ МЕЗОНИ”

## “ЎзАС”, 2011 йил 25 ноябр, №48

Давра суҳбатида айни шу куннинг долзарб масалалари ўртага ташланган, кўпчиликнинг дилидаги гаплар айтилган. Айниқса, саёз матнли, пала-партиш қўшиқларнинг кўпайиб бораётгани ҳақидаги фикрлар мени қоғоз-қалам олишга ундади.

Четдан қараганда санъат олами ниҳоятда рангин, мафтункор кўринади. Худди оҳанрабодек кишини ўзига тортади. Шунданми, кўпчилик ёшлар тезроқ танилиш, эътиборга тушиш учун санъат йўлини танлашади. Аммо “Ҳолва деган билан оғиз чучимайди”. Санъат даргоҳининг ўзига хос синов, тажриба, имтиҳон майдони бор. Бундан муносиб тарзда ўтиш учун истеъдод, савия, фаросат керак бўлади.

Афсуски, аксарият қўшиқчиликка қадам қўйган ёшларда айнан шу фазилатлар етишмаяпти. Буни уларнинг хонишларидан билса бўлади. Ҳатто баъзи таниқли эстрада хонандалари ижросида ҳам жиддий қусурлар кўзга ташланади.

*Ню- Йоркдамисан ёки Бангалур,*
*Қаерда бўлмагин, сени ёлғиз севаман,*
**Моника...** (Бундан кейинги сўзларни тушуниб бўлмади.)
**Менга фарқи йўқ, мен сени севаман...**

Рости бу қўшиқни қайта-қайта эшитганимдан сўнггина (ўзимни мажбурлаб) талаффузидан Ню-Йорк сўзининг биз билган New York шаҳри эканини тушундим.

Хонанда Дилсўз:

*Мани эслама,*
*Мани ҳақимда гапирма,*
*Ўзгаларга*
*Мани ғийбатим қила кўрма!* —

деб куйламоқда...

Ёшларнинг севимли қўшиқчиси Шоҳруххон клипида қўғирчоқ қизнинг изидан қувлаб:

*Бунчалар зўрсан,*
*Бунчалар гўзалсан жоним,*
*Сени соғинсам,*
*Бунчалар қийнайсан мени...*

— дейди. Агар қозонда пишаётган ошга тузми, сабзими солиш ёдингиздан чиқиб кетса, таомнинг таъми бузилади, мабодо бундай таом ошқозонга тушиб қолса, ҳазм бузилади. Бу қўшиқда на қофия, на маъно бор, клип эса миллий менталитетимизга умуман тўғри келмайди, аммо, негадир, ёшлар бу бемаза қўшиқни бемалол “ҳазм” қилишяпти”...

Машҳур бир хонанданинг синглиси Нилу шундай куйлайди:

*Бўлмайман деб, қари,*
*Лаби сохта барби...*
*.............................*
*Барби, барби, барби...*

Очиғи, қўшиқ деб бўлмайдиган бу нарсанинг давомини эшитсангиз, таърифига тилингиз айланмай қолиши тайин.

Акс садо

Муниса Ризаева деган бир қўшиқчи Бойсун фолклори услубида “Бевафо” деган қўшиқ яратибди. Агар уни қўшиқ деб аташ жоиз бўлса, у севги-муҳаббат ҳақида бўлиб, шундай бошланади:

*Аҳа — ўҳў, ўргилиб кетсин момаси,*
*Аҳа — ўҳу, бешик боласи-бек боласи”.*

Кейин гўё кўк чойнакка оқ чойнакнинг қопқоғини ёпиб қўйгандек:

*Айрилма ёр, хумора бу дилим сенга,*
*Сени севаман, ҳар кунимда сени ўйлайман.*
*Бевафога дил бердим ёр-ёр-э,*
*Ҳажрида тунларим энди бедор.*
*Айрилма ёр, хумора бу дилим сенга,*
*Сени севаман, ҳар кунимда сени ўйлайман,* —

дея давом эттирилади. Бундай нағмаларни эшитгандан кейин соҳа мутахассислари қаёққа қараяпти, деган савол туғилиши табиий.

Ҳозир ҳамма ёшларга бир касаллик юққан, “Уммон” деган касаллик. Бу гуруҳ йигитларининг хиргойилари шунчалик хит бўлиб кетдики, кўп қизлар эшитиб ақлдан озяпти. Эҳтимол, қўшиқлари шунга ярашадир, деяётган бўлсангиз, янглишасиз. Қиз болага қарата, “Уммон” гуруҳи йигитлари шундай куйлайди:

*Йўқол, кўзларимга кўринма ортиқ, йўқол,*
*Қол ортимдан, юрма ортиқ йўқолиб қол-қол,*
*Сендан оларим олиб-олиб бўлдим,*
*Кўнглингга, қалбингга кириб-чиқиб бўлдим.*
*Ҳаммаси бир тийин билиб-билиб бўлдим...*
*Ваъдаларингга ишонч йўқ...*
*... Илтимос, йўқол ёқмаяпсан...*

Бундай куйлаш қайси маданият, қайси ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келади? Яна “менга хат ёзма, ваъдаларимни унут”, дегани нимаси. Бундай алжирашга нима деб баҳо беришни ҳам билмайсан.

Интернетдаги ахборот порталида таниқли ёш актёрларимиздан бирининг вокалдан дарс олаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, янги роли учун тайёргарлик кўраётган бўлса керак, деб ўйлагандим. Афсус, адашибман. Куйлашни бошлаб юборган бу актёр “Тарона” студиясида учинчи қўшиғини ҳам ёзиб тугатаётган экан. Қўшиқнинг номи «Энержи», унга “дискорақсбоп” дея таъриф бериляпти. Ҳатто клип суратга олиниши ҳам режалаштириляпти. Бу хабарни эшитган онам “Ҳамма қўшиқчилар актёрлик қилганида, актёрлар ҳам бир қўшиқчилик қилайлик, дегандир-да, болам”, дедилар.

Фаррух Ҳамроевнинг “дарди” ҳаммасидан ошиб тушади:

*Уйимнинг бекаси бошқа,*
*Кўнглимнинг бекаси бошқа.*
*Айтинг менга ёронлар,*
*Бошимни урай қай тошга?*

Қисқа вақт ичида албом чиқаришга ҳам улгурган бу йигитнинг қўшиқ ва қўшиқчилик ҳақидаги фикрлари қандай экан? У, умуман, тингловчи олдидаги масъулиятни ҳис қилармикан!

Кинофилмлар учун яратилаётган қўшиқларнинг аксарияти бундан ҳам антиқа. “Хизмат доирасидан ташқарида” фильми учун ёзилган қўшиқ:

*Ало? Ало? ...*
*Хизмат доирасидан ташқарида.*
*... Сан янги кўйлак обсан, манда бор янги туфли...*
*Энса қотирма гули,*
*Биласан мани вақтим пулли...*

“Эътиқод қўйиб диққат билан қилинмаган ишда ҳеч қачон самара бўлмайди”, деган эди немис файласуфи Голфман. Бевосита филмлар учун, филмларнинг кассабоплигини таъминлаш учун зўрма-зўраки яратилаётган, мисралари, сўзлари умуман ҳеч бир маъно англатмайдиган бу каби қўшиқлар назоратсиз, саралашсиз эфирга узатилиб, оммалашса, эртага ёшлар, болалар уларни айтиб юрса, маънавият ҳақида шунча куйиб-пишаётганимиздан бирон самара бўладими?

Юқорида келтирганларимиз радио эфирларида ва телеканалларда янграётган юзлаб қўшиқларнинг айримлари, холос. Албатта, ҳар қандай ижод намунаси каби яратилаётган қўшиққа ҳам вақт, маблағ, меҳнат сарфланади. Афсуски, бугун ёш ижрочилар ўзларининг қимматли вақтларини ҳам, маблағларини ҳам кўкка совуряптилар. Уларнинг аксарияти сўз сеҳри, сўз қадри фақат адабиётда эмас, санъат соҳасида ҳам муҳим ўрин тутишини унутиб қўйишган. Сўзнинг қадри ҳамма замонларда ҳам баланд бўлган. Унинг қадрини билмаган, ерга урган одам ҳеч қачон обрў топмаган. Афсуски, буни санъатга кириб келаётган тенгдошларимиз яхши англамаётган кўринадилар.

**Севара МУСАЕВА**

# ФИДОЙИ УСТОЗ

Моҳир ғижжакчи созанда, ўз касбининг фидойиси Мурод Тошмуҳамедов номи мумтоз санъат ихлосмандларига яхши таниш. У ҳақда сўз кетганда шогирдларидан кўз нури ва қалб қўрини аямайдиган, ота сингари меҳрибон зот кўз олдимизга келади. Бугун юртимизда эл таниган машҳур ғижжакчи борки, Мурод акани устоз деб билади.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг профессори, бир қатор республика танловлари ғолиби М.Тошмуҳамедовнинг ижодий йўли ютуқларга бой. Ярим асрдан ошиқ ижодий фаолияти давомида устоз ўз касбининг чинакам усталаридан бирига айланди.

Ижодкор дастлаб фаолиятини Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик халқ чолғулари оркестрида бошлади. Кўплаб хорижий сафарларда бўлди. Жамоанинг етакчи созандаларидан бирига айланиб, мухлислар эътиборига тушди. Бир неча йил ўтиб

Икки оғиз дил сўзи

Мурод ака ташаббуси билан оркестр қошида Ўзбекистонда биринчи бор ғижжакчилар квартети ташкил этилди. Ўша даврда квартет таркибида созанда сифатида Ботир Расулов, Бахтиёр Яминов, Ҳасан Комилов каби иқтидорли созандалар ижод қилишган.

1985 йили устоз етакчилигида «Сайқал» камер оркестри ташкил этилди. Жамоа кўпсонли тингловчилар назарига тушиб, мухлис ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. «Сайқал» ижросида ёзиб олинган асарлар ҳозирда Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланади. Истеъдодли ёшлар ва талабалардан иборат оркестр ҳамон Мурод ака раҳбарлигида фаолият юритиб келмоқда.



Ижод билан бирга педагоглик фаолияти М.Тошмуҳамедов ҳаётининг асосий мазмунига айланди. Устоз 1961 йилдан буён консерватория талабаларига ғижжак ва альт созлари мутахассислиги бўйича дарс бериб келмоқда. Ундан сабоқ олган иқтидорли талабалар орасида Қаҳрамон Комилов, Телман Ҳасанов, Аҳмаджон Дадаев, Абдулла Шомағрупов, Қошқанбой Асқаров, Қаҳрамон Носиров, Жўрабой Саидов сингари эл ардоғидаги ижодкорлар бор.

Устоз илм соҳасида ҳам ўз сўзини айтишга эришди. Ғижжак ижрочилигини ўрганишни истаганлар учун ўқув қўлланмаси ва дарсликлар яратди. «Бадиий ҳаваскорликда ғижжакда чалишни ўргатиш», «Ғижжак дарслиги», «Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш», «Ғижжак-альт», «Ғижжак синфи учун дастурлар» шулар жумласидандир. Ғижжакда анъанавий ижрони ўзлаштириш мақсадида нота ёзувида бир неча янги иборалар, терминлар, нола, қочиримларни ишлаб чиқди. Бастакор сифатида «Сайқал» оркестри учун концерт ва пиесалар ҳам яратди.

— Ота учун фарзандлари камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ дунёда, — дейди М.Тошмуҳамедов. — Мен барча шогирдларимга фарзандимдек қарайман. Уларга билим улашишдан чарчамаганман. Ўзим эришолмаган ютуқларни шогирдларим тимсолида кўраман. Шунинг учун уларга маҳорат чўққиларини забт этишда изланиш ва меҳнатдан қочмаслик зарурлигини уқтираман.

Устозлар қадр топган юртнинг бугуни мунаввар, эртанги куни обод. Қалбимиз, ақлу шууримизга сўнмас зиё олиб кирган устозларни ҳар қанча улуғласак, эҳтиром кўрсатсак оз. Мустақиллик йилларида ёшлар ҳар жабҳада ўз истеъдоди ва маҳоратини намойиш этиб, юксак чўққиларни забт этмоқда. Бунда, шубҳасиз, Мурод ака сингари ўз касбининг фидойи вакилларининг хизмати беқиёс.

**Алишер АҲМЕДОВ, консерватория талабаси**

# “ЯНГИ АВЛОД” ҒОЛИБЛАРИ

Юртимизда келажак авлод учун яратилаётган кенг имкониятлар ёшларимизнинг турли соҳаларда катта зафарларга эришишида кўмак бўлмоқда.

Санъат соҳасида ҳам истеъдодли ёшлар сафи кенгайиб бораётгани қувонарли. Бугунги



кунда улар учун хилма-хил кўрик-танловлар, фестиваллар ташкил қилиниб, ўз истеъдодларини тўла намоён этишлари учун имкониятлар эшиги кенг очилмоқда. Юртбошимизнинг “Фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзларини амалда намоён этишлари учун майдонни кенгайтириш керак”, деган сўзлари замирида катта маъно бор.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан ташкил этилган “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали ана шундай тадбирлардан биридир.

Санъатнинг классика, вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий санъат, бадиий адабиёт йўналишлари бўйича ўтадиган мазкур тадбирда 6-14 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар саралаб олинади.

Бу йилги фестивал Юнусобод тумани Толибжон Содиқов номидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларига ҳам қувонч бағишлади. Турли йўналишлар бўйича фестивалда иштирок этиш истагини билдирган олтмишга яқин истеъдодли болалардан 19 нафари шаҳар босқичига ўтдилар. Шундан 10 нафари шаҳар босқичи ғолиби бўлиб, республика босқичига йўлланма олди. Жумладан, мактабнинг “Нафис” ва “Лаззат” рақс жамоалари фестивалнинг Тошкент шаҳар саралаш босқичи ғолиби бўлди. Яккахон “Қўғирчоқ” рақси билан иштирок этган қобилиятли ёш раққоса Лолита Шодиматова шаҳар босқичида фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

— Нафақат рақс йўналишида, балки вокал, мумтоз, миллий чолғулар йўналишида ҳам мактаб ўқувчилари фаолликни қўлдан бермади, — деди мактаб директори Дилором Мирсодиқова. — Шу мактабда таҳсил олаётган Абдулазиз Абдураҳмонов вокалнинг анъанавий ижро йўналишида қатнашиб, чиройли ижроси билан ҳайъат аъзоларига манзур бўлди ва шаҳар босқичи ғолиби бўлди. Миллий чолғулар йўналишида Дилдора Хўжаева раҳбарлигидаги “Булбулча” дуторчилар дастаси шаҳар босқичига чиқиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Бундай кўрик-танловлар ёшларнинг изланишларига турткибўлади, албатта. Навбатда ўқувчилар олдида республика босқичи турибди. Иқтидорли ёшларимиз ўз истеъдодларини муносиб намойиш этадилар, деб ўйлаймиз.

**Ирода МИРҲУСАНОВА**

# ЗАМОН ВА КИНО ТАНҚИДЧИЛИГИ



Киношуносликнинг миллий кино санъати тараққиётидаги ўрни беқиёс. Бугунги кунда Марказий Осиёда етакчи мавқега эга бўлган ўзбек киношунослигининг тажриба ва салоҳияти катта. Лекин сўнгги йилларда бу соҳада бир қадар турғунлик юз бериб, киношунос мутахассислар турли мавзудаги мақолалари билан оммавий-ахборот воситаларида фаол иштирок этмаяптилар. Ҳолбуки, бугун кино санъатимизда рўй бераётган жараёнлар, энг аввало, мутахассис-киношуносларни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Айтайлик, хусусий студиялар ва ҳаваскор киночиларнинг фаоллашиб қолгани боис экранларда ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз, “қўлбола” комедиялар кўпайишини эътиборсиз қолдириб бўладими? Чунки бундай савиясиз кино асарлар, халқимиз, хусусан, ёш авлод маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Энг оммавий санъат турларидан бўлган кинонинг бундай аҳволга тушиб қолишида маълум маънода киношуносларнинг ҳам “ҳиссаси” бор. Тўғриси, экранга чиқаётган аксарият филмларнинг савияси пастлигини рўкач қилиб, “бу картиналар таҳлил қилишга арзимайди”, деган баҳона билан ўзимизни четга олишимиз киношуносликнинг нуфузига путур етказмоқда.

Хўш, бундай ҳолатдан қандай чиқиш мумкин? Аввало, киношуносликнинг асосий вазифаси нимада эканига яна бир бор эътибор қаратишимиз зарур. Киношунослик фани асосини кеча, бугун ва эртага мамлакатимиз кинематографиясида кечаётган жараёнлар, экранларга чиқаётган янги тижорату нотижорат филмларнинг ютуқ-камчиликларини кузатиб бориш ҳамда объектив баҳо бериш ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик даври киношунослик фанининг энг биринчи вазифаси мамлакатда кино соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, эълон қилинган фармонлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалдаги ижросини кенг ёритиш, ўзбек киносининг ривожига ҳисса қўшишдан иборат.

Миллий кино санъати назарияси ва амалиёти, тарихи, унинг тараққиёт йўлларини ўрганиб, бу борада киношуносларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-назарий тадқиқотлар жараёнига назар ташласак, ютуқлар у қадар катта эмаслиги кўзга ташланади. Киношуносликнинг тамал тоши бўлиб хизмат қиладиган кино тарихи йўналиши бўйича сўнгги йилларда эътиборга лойиқ ишлар қилинмади. 20 йил ичида киношуносларимиз томонидан яратилган ягона фундаментал илмий-тадқиқот иши натижасида “Мустақиллик даврида ҳужжатли кино”» (2009 йил. Муаллифлар: Ж.Тешабоев, Ҳ. Абулқосимова. М. Мирзамуҳамедова, С. Ҳайтматова.) китоби дунёга келди. Унда мустақиллик йиллари суратга олинган ҳужжатли филмлар атрофлича таҳлил қилиниб, мамлакатимизда кинонинг бу тури бўйича истиқболли йўналишлар белгиланган.

Бадиий кино ҳақида ҳам айнан шундай китоб яратиш кўзда тутилганди. Аммо баъзи сабабларга кўра бу иш поёнига етгани йўқ. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг театр бўлимида рус тилида икки жилддан иборат «Зрелещное искусство Узбекистана» (2008 йил. Кино бўлимининг муаллифи: Ҳ.Абулқосимова.) деб номланган фундаментал илмий-тарихий китоб тайёрланди. Китобда қарийб 85 йиллик томоша санъати, яъни театр ва кино тарихи атрофлича таҳлил қилинган. Лекин тадқиқотда бадиий кинога бағишланган бўлимлар, мақолалар бошқа санъат турларига қараганда анча кам. 1986 йили Республика кинопрокат идораси томонидан тайёрланган “Художественные фильмы кинематографистов Узбекистана” китоби ҳозиргача илк ўзбек филмларининг аннотацияли каталоги ҳисобланади. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг Кино ва ТВ бўлими томонидан чоп этилган «Аннотированный каталог художественного кино Узбекистана 1925-2008 годы» китобининг дунёга келиши қувонарли. Бироқ бундай қимматли китобнинг ўзбек тилида чоп этилмагани ачинарли.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, киношуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири, бой кино тарихимизга янгича ёндашиб, суратга олинган 300 га яқин филмларнинг ғоявий-бадиий савияси, унда сценарийчи маҳорати, режиссёр, оператор, рассом, бастакор ва актёрлар ижодига давр нуқтаи назаридан янгича баҳо беришдир.

Бошқача айтганда, бой кино тарихимиз бугунги кун мафкураси олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб таҳлил қилиниши керак. Мамлакатимиз киношунослари ўзбек киноси тарихи бўйича фундаментал илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари зарур. Афсуски, сўнгги йигирма йил ичида миллий бадиий кино бўйича атиги битта номзодлик илмий иши ёқлангани одамни ўйлантириб қўяди.

Матбуотда кинонинг ёритилиши ҳам талаб даражасида эмас. “Кино” журнали нашр этилмаётгани боис киношунослар ўз “минбар”ига эга эмас.

Миллий киномуҳитни ривожлантириш мақсадида киноанжуманлар, семинарлар, киноҳафталиклар, кинофестиваллар мунтазам ўтказиб турилиши учун кинематографчилар уюшмаси билан бирга, киношунослар ҳам фаол бўлиши талаб этилади.

Замонавий киножараёндаги энг долзарб йўналиш киношуносликнинг бош бўғини — кино танқидчилигидир. Зеро, адабий-бадиий асар танқидий мезонларга жавоб берган ҳолдагина, керакли асар ҳисобланади. Адабий-бадиий танқид ижтимоий ҳаёт жараёнига таъсир кўрсатиб,

Мулоҳаза учун мавзу

одамлар эстетик дидининг ўсишига хизмат қилади.

Ҳозир кино жараёни кино танқидчилик томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бир-иккита рус тилида ёзадиган киношуносни ҳисобга олмаганда, соҳада ҳатто баъзи-баъзида матбуотда таҳлилий чиқишлари билан тилга тушган мутахассисни топиш қийин.

Экранга чиқаётган ҳар бир кино асари киношунослар, мутахассислар томонидан ҳаққоний баҳосини олмас экан, саёз, пала-партиш, нопрофессионал суратга олинган филмлар яратилаверади. Кино соҳасида ёш мутахассис кадрларга эҳтиёж катта.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат ва нодавлат студияларда яратилган 60 дан ортиқ филмнинг томошабинларга маънавий-эстетик таъсири ҳақида атрофлича фикр юритиш учун муайян муҳит яратиш киношуносларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

**Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли, санъатшунослик фанлари номзоди**

# ТАСВИРЛАРДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

Тошкент фотосуратлар уйида номоддий маданий мерос тарғиботига бағишланган фото ва видео ҳаваскорларининг республика кўрик-танлови ўтмоқда. Унда дастлабки босқич ғолибларининг бир юз элликдан ортиқ фото ва йигирма олтита видеоасарлари намойиш этилмоқда. Муаллифлар, кўрик-танлов шартига кўра, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик бўйича, ижрочилик санъати йўналиши, миллий маросим ва байрамлар, табиат ва коинот билан боғлиқ билим, кўникмалар ва урф-одатлар каби тасвирларини танловга тақдим этишган. Қорақалпоғистонлик М.Қарлибаевнинг “Кўпкари” суратида ғолиб йигитнинг шижоатию топқирлиги, довюраклиги жуда аниқ, ҳаққоний намоён бўлган. Назира Боймуродованинг “Қўғирчоқлар менинг дўстларим”, Давлат Раҳматовнинг “Темирчи уста”, Ажинияз Ўтепбергеновнинг “Гештек”, “Йигит-қизлар сайли” каби суратларида мамлакатимиз ҳаёти акс этган лавҳалар томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Видео тасмада намойиш этилаётган халқ ансамблларининг ижоди ва қишлоқ одамларининг турмуш тарзи ҳамда турли касб эгалари ҳақидаги қисқа филмлар ҳам ўзига хос ечимга эга.

Мазкур танлов ғолиблари Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказининг дипломлари, совринлари, ҳомийлар ва ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.



А.ПОПОВ олган сурат.

# КУЗГИ УЧРАШУВЛАР



Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида “Кузги учрашувлар” кўргазмаси очилди. Кўргазманинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Корея маданий алоқаларини ва ижодий салоҳиятини намоён этишдан иборат. Ундан мамлакатимизда яшаб ижод қилаётган корейс рассомларининг олтмишга яқин асарлари жой олган. Юртимизда ва Кореяда бирдай машҳур рассомлар Искра Шин, Владимир Ким, Светлана Цой, Николай Пак, Светлана Шин қаторида ёш ўзбек рассоми Дилором Мамедованинг ижод намуналари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Владимир Кимнинг “Тарих кенгликлари”, “Индико. Илк баҳор” туркумлари афсона ва ривоятлар асосида яратилган бўлса, Николай Пакнинг “Мушакбозлик” туркум асарлари одатдаги ижодий илҳом таъсирида яратилган. Светлана Цой асарларида юртимизнинг гўзал табиати акс этган. Искра Шин асарларида эса ранглар симфониясини ҳис этасиз. Светлана Шин полотноларида анвойи гуллар дунёсини кўриш мумкин. У ҳар бир гулни шунчаки чизмайди, балки эркалаб, меҳр билан тасвирлайди. Дилором Мамедова замонавий тасвирий санъатда устозлар анъаналарини собитлик билан давом эттираётган, изланувчан, сермаҳсул рассом. Мусаввир чизган манзараларда бир лаҳзалик ҳаёт жонланади, натюрмортларида эса аёлнинг нозик қарашлари намоён бўлади.

Кўргазма залларида

Мазкур кўргазма Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистондаги Корея Республикаси элчихонаси ҳамда Халқаро алмашинувлар Корея жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

# ҚУТЛАЙМИЗ!

Корея Республикаси ва Марказий Осиё — Корея “Оғзаки ижод” қўмитаси шу йилнинг феврал ойида Марказий Осиё мамлакатлари ва Корея мифлари, эртак ва қаҳрамонлик эпослари асосида ёзилган сценарийлар танловини эълон қилган эди.

Танлов тўла матн (роман, пиеса, тўла метражли филм, телесериал, мултипликацион филм, мюзикл ҳамда компютер ўйинлари сценарийси) ва сценарий-режа (роман, пиеса, тўла метражли филм, телесериал, мултипликацион филм, мюзикл, компютер ўйинлари сценарий режалари) номинациялари бўйича ўтказилди.

Йил давомида ижрочи қўмитага турли муаллифлар томонидан беш юзга яқин сценарий (халқаро танлов шартларига кўра, рус, инглиз ва корейс тилларида) тақдим этилди. Ушбу танловда Ўзбекистондан йигирмага яқин муаллиф ўз асарлари билан қатнашди.

Халқаро ҳайъат қарорига кўра, “Тўлиқ матн” номинациясида таниқли ёзувчи ва сценарийчи Нодир Норматовнинг тўла метражли бадиий филм учун ёзган “Муҳаббат кўзгуси” сценарийси, “Сценарий-режа” номинацияси бўйича Фаррух Эгамбердиевнинг “Қор ёғмайдиган мамлакат” эртак сценарий-режаси танлов ғолиби деб топилди.

Куни кеча ғолибларга ташкилотчилар томонидан сертификат ва мукофотлар топширилди.

# ЁЗУВЛАР АБАДИЙ ЯШАЙДИ

## ОДАМ АТОНИНГ ШЕЪРИ

Қадимги шарқ ривоят ва афсоналарига кўра, Ер юзида пайдо бўлган биринчи инсон ва кейинги авлодлар отаси ҳисобланган Одам Ато шоир бўлганми? Мазкур саволга аниқ бир нарса дейиш қийин. Аммо XIII асрда яшаган форс шеършунос олими Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс ар-Розий "Ал-муджам фи маъаойир ашъор ал-ажам" ("Ажам (форс) шеърияти қоидалари тўплами") асарида шундай ёзади: "Тарих борасида айрим билимдонлар шеъриятнинг келиб чиқишини Одам алайҳиссалом билан боғлайдилар ва унинг Қобил томонидан ўлдирилган ўғли Ҳобилга бағишланган ушбу марсиясини келтирадилар:

**Тағират албилод ва мин алайҳа,**
**Фи важҳул арз муғбир қабиҳ.**
**Тағир кулли зи таъм валавун,**
**Ва қол пешашиҳи л-важҳи сабаҳ.**
**Фава асфа ало Ҳобил ибни,**
**Қутила қад тазманҳу аз-зарих.**

Мазмуни:

*Ер юзи бутунлай ўзгарди, қаранг,*
*Гўзал қиёфаси чангдан бўзарди.*
*Таъмию ранги ҳам энди бошқача,*
*Қани ёниб турган чеҳрадаги нур?*
*О, ўғлим Ҳобилдан айрилиб қолдим,*
*Ўлдирилган болам ётар қабрда".*

Ар-Розий Одам Ато сурияли бўлгани учун ушбу шеърни сурёний тилда айтган, кейинчалик араб тилига таржима қилинган бўлиши керак, деган фикрни олдинга суради. Албатта, ҳозирги замон тарих фани нуқтаи назаридан бу маълумот тўғри эмас. Аммо дастлабки инсон шоир бўлган бўлса, бунинг нимаси ёмон?!.

## ГОМЕР ЎЗИ БЎЛГАНМИ?

Ўтмишдаги халқлар ҳаёти, баҳодирларнинг жангу жадалларда кўрсатган қаҳрамонликлари, ўша давр одамларининг орзу-умидлари, ҳис-туйғуларини ажойиб тарзда тараннум этувчи ҳамда бадиият тарихида ўчмас дурдоналар саналувчи қадимги юнон шеърий достонлари — "Илиада" ва "Одиссея" муаллифи Гомер саналади. Афсуски, манбаларда Гомернинг қандай одам бўлгани, қайси замонда яшагани, қаерда туғилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Баъзи афсоналарда айтилишича, Гомер дарё маъбуди Мелет билан паризод Крефеидадан туғилган ва музалар оламида умр кечирган эмиш. Шу асосда яратилган ҳайкалларда Гомер икки кўзи кўр мўйсафид қиёфасида тасвирланган.

Гарчи юнонлар Гомернинг ҳаётда яшаганига асло шубҳа қилмасдан уни миллатнинг шон-шавкати, ифтихори деб билсалар-да, айрим олимлар "Илиада" ва "Одиссея"дек улкан асарларни бир одам эмас, балки халқ орасидан чиққан рапсод-бахшилар тўқишган, уларнинг кўзи ожизларини эса гомерлар деб аташган, дея фикр билдирадилар. Атоқли рус адабиётшуноси В.Белинский бу достонларни Гомер халқ қўшиқлари асосида яратиши мумкинлигини айтиб, "Гомер даҳоси халқ ривоятлари, қўшиқлари, адабий нарсаларнинг дағал рудасини соф олтин қилиб чиқарадиган эритув кўраси бўлган", деб таъкидлайди.

Ҳа, қадимги юнон достонлари "Илиада" ва "Одиссея" бадиий жиҳатдан қанчалик юксак бўлса, уларнинг муаллифи шунчалик сирли ва мавҳумдир.

## ПИФАГОР ВА ТЕМИРЧИ БОЛҒАСИ

Ҳикоя қилишларича, буюк юнон файласуфи ва математиги Пифагор бир куни темирчилар олдидан ўтиб кетаётиб, уларнинг қўлларидаги болғаларнинг бирин-кетин сандонга тушишидан ҳосил бўлган товушларни эшитади ва уларнинг фарқига қизиқиб қолади. Кейин эса у темирчилар олдига келиб, болғаларнинг вазнини аниқлайди. Катта ва оғир болғадан қаттиқ товуш, кичик болғадан эса майинроқ товуш чиқишини кўргач, у чертиб чалинадиган мусиқа асбобларининг йўғон товуш чиқарадиган тори йўғонроқ, ингичка товуш чиқарадигани эса ингичкароқ бўлишини, бу торларнинг оғирлигини ҳисоблаб чиқади. Шундан у уйғунлик — рақамларнинг бир-бирига муносабатидан ҳосил бўлади, деган қонуниятни кашф этади.

## ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Инсоният томонидан яратилган етти мўъжиза неча замонлардан бери ҳаммани ҳайратга солиб келади. Булар — Миср эҳромлари, Бобилдаги "осилиб турувчи" боғлар, Олимпдаги Фидий томонидан ясалган Зевс ҳайкали, Родос бандаргоҳига кираверишдаги улкан қуёш илоҳи ҳайкали, Эфесдаги Кария ҳукмдорининг мақбараси, Александрия қўлтиғида қад ростлаган Фарос маёғидир. Булар эрамиздан олдинги III асргача барпо этилган.

*Тафаккур ёлқинлари*

Қадимги юнон афсонашуноси Гай Юлий Гигин эса қуйидагиларни дунёнинг етти мўъжизаси деб ҳисоблаган:

— Марс хотини Амазонка Отрера Эфесда қурган Диана ибодатхонаси;

— Шоҳ Мавзолга нур сочувчи тошлардан қурилган мақбара;

— Родосдаги улкан қуёш ҳайкали;

— Фидий олтин ва фил суягидан ясаган Юпитер ҳайкали;

— Мемноннинг Экбатанда Кир учун оқ ва ола тошларни тилло билан бириктириб курган саройи;

— Семирамада томонидан Бобилда тошларни темир билан бирлаштириб қурилган девор;

— Мисрдаги сояси кўринмайдиган эҳромлар.

## КИТОБГА МАДҲИЯ

*Қадимги шумер ёзувларидан*

*Охири йиқилди не-не бинолар,*
*Роҳибу коҳинлар кетди йўқликка.*
*Тупроққа қоришди қанча ҳайкаллар,*
*Унутилди неча қабру мақбара.*
*Аммо кимки ҳаёт чоғида ёзиб*
*Қолдиролса неки ўқилур ҳамон.*
*Ёзувлар абадий яшайди фақат*
*Ва уни ёзганлар номи ҳам ўчмас.*
*Шуғуллан ёзув-ла, қалбингга эт жо*
*Абадий қолажак сенинг номинг ҳам.*
*Китоб афзалроқдир қабр тошидан*
*Нақшинкор девордан мустаҳкамроқдир.*

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**
**тайёрлади.**

# "МОБИЛНИК"НИНГ ЗАРАРИ ТАН ОЛИНДИ

Бу йил саратон хасталигини ўрганиш бўйича халқаро агентлик ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мобил телефонлари одамларда хавфли ўсмаларни келтириб чиқаришини биринчи марта эътироф этди. Шу чоққача бу ҳақда фақат тахминлар айтиб келинган бўлса, эндиликда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам қўл телефонларининг зарари ҳақида узил-кесил фикр билдиришди.

Электромагнит тўлқинлари ҳамиша саломатлик учун зарарли, деб ҳисоблаб келинган. Агар у тўғридан-тўғри ҳар куни қулоққа йўналтириб турилса, унинг ичкарисидаги эшитиш ҳамда кўриш аъзолари (кўз тўрпардаси) фаолиятини таъмин этадиган мураккаб асаб тўқималарига таъсир кўрсатиб боради. Баъзи одамлар гоҳо кунига соатлаб мобил телефонини қулоқларидан олишмайди. Бу организм учун ниҳоятда оғирлик қиладиган "зарарли юк"дир.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти илгари мобил телефонлари зарари ҳақида расмий хулосадан тийилиб келган эди. Бироқ ўн учта мамлакат иштирокида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинганидан сўнг, мобил телефонларининг саломатлик учун хатарли эканини тан олишга мажбур бўлди.

Мобил телефон тарқатадиган кучли электромагнит тўлқинлари бош мия тўқималарида ўзгаришлар содир этади. Бош мия тўқималарининг зарарланиши, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бирданига эмас, балки орадан 15-20 йил ўтгачгина аниқ намоён бўлади. Шу сабабли улар 2020 йилга бориб бош мия ўсмаси билан хасталанган одамлар сони кескин ошиб кетади, деб ҳисоблашмоқда. Негаки, ҳар куни атиги 15 дақиқа мобил телефонда гаплашишнинг ўзи мияда саратон ўсмаси ҳосил бўлиши учун етарлидир. Бундай телефонларнинг, айниқса, болалар учун хатари кучли. "Россияда ҳозир 5 ёшдан 19 ёшгача бўлган 15 миллиондан ортиқ бола ва ўсмир шундай телефонлардан фойдаланади", дейди федерал тиббиёт биофизика маркази радиобиология лабораторияси бошлиғи О.Григорьев. — Шу нарса аниқки, боланинг бош мияси электромагнит энергияларини катталарга қараганда кўпроқ ютади. Шу боис, уларнинг ақлий ривожланиши учун масъул ҳисобланган бош мия бўлмачалари ҳам электромагнит тўлқинлари таъсиридан жиддий зарар кўради. Шу боис, мобил телефонидан фойдаланувчи болалар, инсоният тарихида биринчи марта, радиотўлқинли диапазондаги электромагнит майдонининг зарарли таъсиридаги "хатарли гуруҳ"га киритилди.

*Соғлиғинг — бойлигинг*

Демак:

- Болаларга имкон қадар "мобилник"ни берманг. Энг зарур ҳоллардагина мобилникдан фойдаланишга ҳаракат қилинг. SMSлар юбориш орқали мулоқот ўрнатиш зарарсиз. Шундан фойдаланинг.
- "Мобилник"дан эмас, шаҳар телефони орқали қўнғироқлашинг.
- Телефонни чўнтагингизда олиб юрманг, сумкада ёки танангиздан узоқроқ ҳолда сақланг.
- Гудоклар эшитилиб, абонент билан боғланиш жараёнида "мобилник"ни қулоққа тутманг. Негаки, айни шу пайтда кучли нурланиш тарқалади.
- Ухлаётганингизда телефон ёнингизда бўлмасин. "Мобилник"ни ками деганда ўзингиздан 1,5 метр нарига қўйинг.
- Гаплашаётганда телефон бошингизга яқин турмаслиги учун қулоққа тақиладиган эшиттич ёки симсиз жиҳозлардан фойдаланинг.

## Кимёвий ишловдан ўтгани эмас, музлатилгани яхши

Яқинда Россия истеъмол маҳсулотларини назоратдан ўтказиш ташкилоти Хитойдан келтирилган мева-сабзавот (хурмо, мандарин, узум, қовун, олма) маҳсулотларидан 22 тоннасини таъминотчига қайтариб юборди. Бу маҳсулотларга қурт тушган экан.

Бундай одатдан ташқари ҳол илгари учрамаган. Маҳсулотлар импорти билан шуғулланувчилар, одатда, ўз товарларини турли кимёвий ишловлардан ўтказишни унутишмайди. Яъни сабзавот ва мевалар пўстидан кислород ўтмаслиги учун дастлаб уларга парафинли моддалар пуркалади. Бусиз олча, шафтоли ёки узумни бир ҳафта ҳам сақлаб бўлмайди. Шундан сўнг уларга ҳосил сифатини бузадиган барча микроорганизмларга қирон келтирувчи антибиотикли кимёвий моддалар билан ишлов берилади. Кейин замбуруғ ва моғор пайдо бўлмаслиги учун махсус моддалар сепилади. Бир сўз билан айтганда, барча тирик организмлар ўлдирилади. Бундай кетма-кет кимёвий ишлов беришлар мева-сабзавотлар дарахт шохидан ва палагидан узилган заҳоти бошланади.

Бананларга эса икки бор кимёвий ишлов берилади. Дастлаб етиштирилган жойида, кўм-кўклигидаёқ уларга бактерияга қарши кимёвий моддалар пуркалиб, юк ташувчи уловларнинг музхоналарида ярим йилга қадар сақланади. Сотишдан олдин эса, худди пишиб сарғайгандек тус бериш учун этилен ва азот аралашмаси пуркалади. Бу моддалар намлиги 90 фоизли хоналарда бананнинг етилишини тезлатади. Орадан атиги бир неча соат ўтгач, кўм-кўк ғўра банан, қарабсизки, етилиб пишган банан тусига киради.

"Менделеев жадвали"даги барча моддаларни сабзавот ва мевалардан ювиб кетказиш жуда қийин. Шу сабабли уларнинг пўстини худди олма ёки бодринг, нок ёки кабачкиники каби олиб ташланг. Шафтоли, зардоли ва узум каби пўстини олиш қийин бўлган неъматларни иссиқ сувда совунлаб ёки сода билан яхшилаб ювиб, чўткача билан тозаланг. Картошкани пўстини олгач, сувга солиб қўйинг. Карамни ҳам ишлатишдан аввал худди шу усулда яхшилаб ювиб, сиртидаги япроқларни олиб ташлаб, ярим соат илиқ сувда сақланг. Фақат сувга солиб қўйишгина уларни инсектид ва пестицидлардан тозалайди.

Ҳозир бу неъматларни пулловчилар цитрус меваларига энг олий нав "мақоми"ни бериш учун уларни турли ёқимли рангларга бўяшдан ҳам қайтмаяптилар. Шу сабабли банан ва апелсинларнинг пўстини олсангиз ҳам, ҳар эҳтимолга қарши ювиб, сўнгра истеъмол қилишга эринманг.

Супермаркетлар пештахтасида қулупнай, малина, ертут, черника каби бутали ўсимликлар мевалари худди чизиб қўйилган санъат асари каби кўзингизни қувонтиради. (Баҳоси ҳам оз эмас-кўп эмас — 150 граммли 500 рублдан). Кўпчилик фарзандлари учун уларни харид қилади. Бу нотўғри. Ўша неъматлар олис юртлардан истеъмолчига етиб келгунча сўлиб қолишига йўл қўймайдиган газ тўлдирилган махсус герметик қутиларга жойланади. Бир неча ҳафта ичида малина ўша моддаларга роса тўйинади. Бундан ташқари, неъматларнинг аксарияти ген-модификация усулида яратилган бўлиб, табиий неъматлардан кескин фарқланади. Уларнинг организмга кўрсатадиган таъсири ҳали охиригача ўрганилмаган. Шу боис, бундай шубҳали неъматларни болаларингизга едирманг.

Музлатилган мева-сабзавотлар зарарсиз, фойдали моддалари ҳам яхши сақланган бўлади.

*"АиФ"нинг 46-сонидан*


# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Элликқалъа тумани ҳокимлиги**

**2011 йил 9-11 декабр кунлари Элликқалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида**

*Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон ва Татаристон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб*

**"НАФОСАТ — БЎСТОНИМ МАНИМ"**

анъанавий ва вокал ижрочилари, эстрада хонандалари, бахшилар, халфаларнинг VII республика кўрик-фестивали ҳамда ҳунарманд ва мусаввирларнинг кўргазмасини ўтказади.

Кўрик-фестивал 9 декабр куни соат 10.00да Бўстон шаҳар Маданият саройида бошланади.

Ғолибларни тақдирлаш 11 декабрь куни соат 17.00да бўлиб ўтади.

**Маълумот учун телефонлар (8-361) 585-15-12, 585-19-00.**

*Ташкилий қўмита.*




А.ХИДИРОВ олган сурат.

**Вой, бу китоб қизиқ экан-ку!**

*Ҳажвия*

**Восит АҲМАД**

# ТЎЙ ҲАҚИДА ГАПЛАШГАНДИК...

Елкалари навбатма-навбат учиб, тинмай қаҳ-қаҳ отиб кулаётган эрини етаклаган аёл руҳий касалликлар шифохонаси бош ҳакими ҳузурига шошилди. У кира солиб йиғламсираганча ёлворди.

— Эримни тузатиб беринг, доктор. Яқинда тўй қилишимиз керак. Бу киши бўлса...

Бош ҳаким дам йиғлаётган хотинга, дам тинмай кулаётган эрга боқди-да:

— Қани ўтиринг, — деди.

— Ўтиролмайман, доктор, эрим бу аҳволда бўлса...

— Хўп, тик турганча айтинг-чи, нима гап ўзи?

— Кўриб турибсиз-ку доктор.

— Кўриб турибман. Лекин бу ҳолга бекордан-бекорга тушмагандир. Қаттиқ қўрққан ёки асаби қаттиқ бузилган. Ўта стресс ҳолатга тушган.

— Йўқ, доктор, тўй ҳақида бинойидек гаплашиб ўтиргандик.

— Бинойидек гаплашилса бунақа бўлмайди. Бир бошдан гапиринг-чи. Хасталикни даволашда бу жуда муҳим.

— Тўй харажатлари ҳақида суҳбатлашиб ўтиргандик-да, бирдан...

— Тўхтанг, тўхтанг, бир бошдан тўлиқ айтиб беринг.

— Ёмон майда гап экансиз-да, — дедию ўзича минғирлади. — Бу ернинг шифокорларини ҳам жинни дейишарди, тўғри шекилли. — Эшитинг бўлмаса, эрим ишдан келди. Мен айтган тўй харажатларини ҳам йўл-йўлакай олиб келибди, терлаб-пишиб кетган боёқиш.

— Хўш, хўш.

— Қорни очган экан. Овқат тайёр бўлмаганди. Чой сўраганди, қайнамаганини айтдим. Унгача тўй камларидан гаплаша бошладик.

— Ҳа, ҳа, қани-қани?

— Нима қани? Эл қатори қилинаётган янгича удумлар ҳақида.

— Аниқроқ қилиб айтинг.

— Аввал "спалний" ва гарнитур ҳақида гаплашдик. Ўзимизникини оламизми ёки хорижникини, шуни роса тортишдик.

— Хўш.

— Мен ютиб чиқдим. Хорижникини оладиган бўлдик. Кейин навбат "стенка"га келди. Эрим жа пишиқ-да, ўзимизнинг усталар ҳам яхши тайёрлашяпти, шундан олиб қўя қолайлик, дея роса ялинди.

— Рози бўлдизми?

— Ўлибманми, эл ичида шарманда бўлиб. Яна ютдим.

— Эрингизни ҳам ютиб юборибсиз-у, — деди доктор кўзлари аланг-жаланг бўлиб.

— Нима дедингиз?

— Ҳа, эътибор берманг.

— Кейин фотиҳа тўйидан гап очдим. Қирқта "коробка" қиламиз дедим.

— Ҳў-ҳў, жа оширворибсизу.

— Вой, нимага ошираман. Олтмишта, саксонта қилаётганлар бор, ахир. Эрим ўнтадан оширмайсан, деб туриб олди. Айюҳаннос солиб йиғлаб бердим. Рози бўлди. Бўлди-ю, қўллари қалтираб, у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади, кўзлари олма-кесак терарди. Мен давом этдим, битта беш юз-олти юз минг сўмлик сўри оламиз дедим.

— Сўри? — бақириб юборди доктор ўрнидан турар экан.

— Нега бақирасиз? Эрим ҳам бақириб юборганди, мен қулоқ солмай давом этавердим. Унга катта хонтахта қўйиб, шоҳона дастурхон ясатамиз, дедим. Эрим бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мен: устимдан куляпти деб, жаҳлим чиқса-да, гапимда давом этаверибман. Нима ҳақида гапирсам қаҳ-қаҳ отиб кулар, оёқларига шап-шап эткизиб уриб хохоларди. Шу орада кичик харжлар ҳақида ҳам гапириб ўтдим. Бунда ҳам катта қўйнинг тўши пишириб борилаётганини айтдим.

— Тўш-ш! — яна бақириб юборди доктор ва ўрнидан туриб нари кетди, унинг елкалари учиб атрофга аланг-жаланг боқа бошлади.

Аёл сўзида давом этарди:

— Телевизор, "дивиди", кўрпа-тўшак, сочиқ, идиш-товоқ — ҳаммасини айтардиму, лекин эрим негадир ҳеч нарсада тортишмай, тинмай куларди. Ахири сабрим чидамай, мен сизга маймун ўйнатяпманми, деб юзига боқсам, кулишлари бошқача, кўзларида маъно йўқ. Кейин бу ёққа олиб келавердим. Тўй кунидаги харажатлар ва тўйдан кейинги ташвишларни ҳали гапириб улгурмаган эдим. Буларни ҳам айтишим керак-ку, ахир, доктор?

Аёл гапини тугатиб врачга қарадию қотиб қолди. У эрининг ёнига бориб олган. Улар бир-бирига тикилишиб қотиб-қотиб кулишар, бир-бирини қучиб-қучиб қўйишарди.

— Ҳой, ким бор, қаранглар, докторинглар жинни экан-ку.

Врачу ҳамширалар шошилиб киришиб, дам кулишаётган икки эркакка, дам савол назари билан ғоз турган аёлга боқишди.

— Эй, Худо, бор-йўғи тўй харажатлари ҳақида гапирдим, холос.

— Афсус... — бош чайқади шифокорлардан бири. — Уч қизи бор эди, иккитаси бўйи етиб қолувди, эссиз, чидолмапти-да.

— Бунчалар нозик бўлмаса, бу эркаклар?..


*Азиз газетхон!*

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз —222.

Обуна — 2012



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50*
*Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42*
*Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4415 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН